

682:3

F 19

Э. ҒАНИЕВ, Д. ЖОМУРОДОВ

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СИРЛАРИ



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

--	--

Умп, ФерПИ, зак. 2442-2001 г.

22

681.3

F19

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

**ЗАМОНАВИЙ
КОМПЬЮТЕРЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ
СИРЛАРИ**

қўлланма

Бағ'она оқиёт
1-қўлланма
INV. № _____
200— у.

“Ma’rifat — Madadkor” нашриёти
Тошкент — 2002

Тақризчилар — иқтисод фанлари доктори, профессор
Р.А.Убайдуллаев, иқтисод фанлари доктори,
профессор А.А.Абдуғафоров, иқтисод
фанлари доктори, профессор М.И.Ирматов,
иқтисод фанлари доктори,
профессор Б.С.Салимов.

Мазкур ўқув қўлланмада шахсий компьютер қурилмалари, MSDOS операцион системаси, Norton Commander дастури ва Windows дастури баён қилинган. Бундан ташқари интранет ва интернет ҳақида маълумот берилган.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари, мактаб ўқитувчилари учун мулжаллаб ёзилган бўлса ҳам ундан замонавий компьютерлардан фойдаланувчилар, ахборотлар билан ишловчилар ва компьютер билан қизиқувчи ҳар бир китобхон фойдаланиши мумкин.

*Ушбу қўланма Ўзбекистонда
кибернетика фанининг асосчиси,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академиясининг академиги устозимиз
Восил Қобулович Қобулов таваллудининг 80 йиллигига бағишланади.*

СЎЗ БОШИ

Ватанимиз мустақилликка эришган кунданоқ ҳаётимизда муҳим сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикасида чуқур, кенг кўламли ислохотлар амалга оширилар экан, узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор берила бошлади. Юртбошимиз И. Каримов таъкидлаганларидек: «Биз қийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод қандай баҳо беради, лойиҳаларимизни тарозига солиб қуриб нима дейди? Ҳар биримиз ана шу саволни дилга туғиб, меҳнат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади».

Келажаги буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқараши ўзгарган ходимларимиз, мутахассисларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитида муваффақиятли хўжалик юритадиган юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолди. Ватанимиз ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам урин эгаллаши учун замонавий компьютер технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига, айниқса, таълим тизимига кенг жорий қилиш зарур.

Бу эса бизнинг келажагимиз бўлган ёш авлод он-

гида компьютер саводхонлигини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли олий ўқув юртларида «Информатика» фанини урганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу фан доирасида «Информатика» фанининг услубий ва назарий асослари, унинг мазмуни ва усуллари ўрганилади, ахборот тушунчаси, унинг жамиятдаги ўрни, ахборотнинг техник ва дастурий таъминоти, замонавий ахборот технологияси, замонавий компьютерлар архитектураси, унинг дастурий таъминоти, амалий дастурлар пакети, алгоритмлаштириш ва дастурлаш, компьютер графикаси, дастурлаш технологияси каби масалалар ўз аксини топади. Мазкур фанни ўқитиш орқали ўқувчининг илмий дунёқараши ҳамда ахборотлар мажмуаси такомиллашувида компьютер саводхонлигини шакллантириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қўлланма юқоридаги талабларга жавоб берадиган, ўқувчилар осон тушунишлари учун содда ва қулай тарзда тайёрланган.

Қўлланмани тайёрлашда узларининг маслаҳатлари ҳамда фикрлари билан иштирок этган академик В.Қ. Қобулов, Р.А. Убайдуллаев, Тошкент Иқтисодиёт университети агробизнес кафедраси мудирини, и.ф.д. Б. Салимов, А. Қодирий номли Жиззах Давлат педогогика институти ректори, проф. Г. И. Муҳамедов, маркетинг бўйича ректор уринбосари И. Муминовларга ўз миннатдорлигимизни билдирамыз.

Муаллифлар

ИНФОРМАТИКА ФАНИНИНГ БУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ЎРНИ

Информатика, дастлаб, 60-йилларда Францияда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ахборотни қайта ишлаш билан шуғулланувчи соҳани ифодаловчи атама сифатида юзага келди. Информатика атамаси латинча “informatic” сўзидан олинган булиб, тушунтириш, хабар қилиш, баён этиш деган маъноларни англатади. Французча “informatique” (информатика) сўзи ахборот автоматикаси ёки ахборотни автоматик қайта ишлаш маъносини билдиради. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда бу атамага “Computer science” (компьютер техникаси ҳақидаги фан) синоними мос келади.

Инсон фаолиятининг мустақил соҳаси сифатида информатиканинг ажралиб чиқиши биринчи навбатда компьютер техникасининг ривожланиши билан боғлиқ. Бунда микропроцессорлар техникасининг кашф этилиши ҳал қилувчи рол уйнади, унинг пайдо бўлиши 70-йиллар ўрталарида иккинчи электрон инқилобини бошлаб берди.

Шу даврдан бошлаб ҳисоблаш машиналарининг элемент негизини интеграл схема ва микропроцессорлар ташкил қилади. Информатика атамаси нафақат компьютер техникаси ютуқларини акс эттириш ва улардан фойдаланиш, балки ахборотни узатиш ҳамда қайта ишлаш жараёнлари билан ҳам боғлиқ.

Информатика ахборотни қайта ишлаш, қўллаш ва унинг ижтимоий амалиёт турли соҳаларига таъсирини ЭҲМ тизимларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, яратиш, баҳолаш каби жараён-

ларни ўрганувчи комплекс илмий муҳандислик фани соҳасидир.

Информатика бу жиҳатдан ахборот моделлари-ни қуришнинг умумий методологик тамойилларини ишлаб чиқишга йўналтирилган. Шу боис ахборот услублари объект, ҳодиса, жараён ва ҳоказоларни ахборот моделлари ёрдамида баён этиш имкониятига эгадир.

Информатиканинг вазифалари, имкониятлари, во-сита ва услублари кўп қиррали бўлиб, бу фанни урга-нишда кўплаб тушунчалардан фойдаланилади. Улар-ни умумлаштириб, қуйидагича талқин этиш мумкин.

ИНФОРМАТИКА — компьютерлар ва уларни қўллаш муҳити воситасида ахборотни янгилаш жа-раёнлари билан боғлиқ инсон фаолияти соҳасидир.

Информатика ва кибернетика тушунчаларида кўпинча чалкашликлар учраб туради. Уларнинг ўхшашлиги ва фарқини тушуниб олиш мақсадга му-вофиқ.

Н. Веннер томонидан кибернетикага берилган таъ-рифга кўра, у инсон фаолиятининг турли соҳалари-даги мураккаб динамик тизимларнинг бошқариш на-зариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Кибернети-ка компьютерларнинг мавжудлиги ёки йўқлигига боғ-лиқ эмас.

КИБЕРНЕТИКА — техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари ҳақидаги фандир. Информатика янги ахборотни анча кенг, кибернетика каби турли объек-тларда бошқариш вазифаларини амалий ҳал этмай, уни ўзгартириш ва тўплаш жараёнларини ҳам ўрга-нади. Шу боис информатика кибернетикага қара-ганда анча кенг фан соҳаси деган тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бироқ, бошқа жиҳатдан, информа-тика компьютер техникаси билан боғлиқ бўлмаган муаммолар билан ифодаланмайди, бу шубҳасиз, унинг умумлаштирувчи хусусиятини чеклайди.

Информатика компьютер техникасининг ривож-ланиши натижасида юзага келди, унга асосланади

ва усиз мавжуд бўла олмайди. Кибернетика компьютер техникасининг барча ютуқларидан унумли фойдаланса-да, объектларни бошқаришнинг турли моделларини яратган ҳолда, ўз-ўзича ривожланаверади. Кибернетика ва информатика сиртдан қараганда бир-бирига жуда ухшаш бўлса ҳам, лекин:

— информатика — ахборот ва уни қайта ишловчи техника, дастурий воситаларга асосланиши;

— кибернетика эса объектлар моделининг концепцияларини ишлаб чиқиш ва қуришда ахборотлардан кенг фойдаланиши жиҳатдан алоҳида ажралиб туради.

Информатика, кенг маънода инсоният фаолиятининг барча соҳаларида, асосан, компьютерлар ва телекоммуникация воситалари ёрдамида ахборотни қайта ишлаши билан боғлиқ фан бўлиб, у ўзида техника ва ишлаб чиқаришнинг хилма-хил тармоқлари бирлигини намоён этади.

Информатикани тор маънода узаро алоқадор уч қисм: техника воситалари (hardware), дастурий воситалар (software) ва алгоритмли воситалар (brainwave) сифатида тасаввур этиш мумкин. Ўз навбатида информатикани ҳам умуман, ҳам қисмлари бўйича турли жиҳатларда: халқ хўжалиги тармоғи, фундаментал фан, амалий фан соҳаси сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Информатика халқ хўжалиги тармоғи сифатида компьютер техникаси, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ахборотни қайта ишлаш, замонавий технологиялар яратиш билан шуғулланадиган турли шаклларидаги корхоналарнинг бир турда жамланишидан иборат бўлади. Информатиканинг ишлаб чиқариш тармоғи сифатидаги ўзига хослиги ва аҳамияти шундаки, бошқа тармоқлар анча юқори суръатларда ўсиб бораётган ҳозирги даврда жамиятда ахборот кўпроқ сўнгги истеъмол предмети сифатида намоён бўлмоқда: одамларга дунёда рўй бераётган воқеалар, уларнинг касбий фаолиятига доир ҳодисалар, фан ва жамиятнинг ривожланиши ҳақидаги ахбо-

рот зарур. Меҳнат самарадорлигининг бундан кейинги ўсиши ва халқ фаровонлиги даражасини кўтариш катта ҳажмдаги мултимедиа ахборотини (матн, графика, видеотасвир, товуш, анимация) қабул қилиш ва қайта ишлаш, янги интеллектуал воситалар ва «инсон-машина» интерфейсларидан фойдаланиш билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозир дунёдаги барча иш жойларининг 50% га яқини ахборотни қайта ишлаш воситалари билан таъминланган.

Информатика фундаментал фан сифатида компьютер ва ахборот тизимлари негизида исталган объектлар ва бошқарув жараёнларини ахборот билан таъминлаш методологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шундай фикр ҳам мавжудки, мазкур фаннинг асосий вазифаларига ахборот тизими нима, улар қандай ўринни эгаллайди, қандай тузилишга эга бўлиши лозим, қандай ишлайди ва қандай қонуниятларга асосланади каби саволларга жавоб топиш ҳам киради. Бугунги кунда информатика соҳасида қуйидаги асосий илмий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин: тармоқ тузилмасини ишлаб чиқиш, компьютер билан интеграциялашган жараёнлар, иқтисодий ва тиббий информатика, ижтимоий сугурта ва атроф-муҳит информатикаси ахборот тизимлари.

Информатикада фундаментал тадқиқотлар мақсади исталган ахборот тизимлари ҳақида умумлаштирилган ахборотни олиш, уларнинг қурилиши ва ишлашининг умумий қонуниятларини аниқлашдир.

Информатика амалий фан соҳаси сифатида қуйидагилар билан шуғулланади:

а) ахборотлаштириш жараёнларидаги қонуниятларни ўрганиш (ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тарқатиш);

б) инсон фаолиятининг турли соҳаларида коммуникация-ахборот моделларини яратиш;

в) аниқ бир соҳаларда ахборот тизими ва технологияларни ишлаб чиқиш, лойиҳалаш босқичлари учун тавсиялар тайёрлаш.

Информатиканинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

— исталган хусусиятдаги ахборот жараёнларини тадқиқ этиш;

— ахборот жараёнларини тадқиқ этишдан олинган натижалар негизида ахборотни қайта ишлайдиган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва янги технологияни яратиш;

— жамият ҳаётининг барча соҳаларида компьютер техникаси ва технологиясидан самарали фойдаланишнинг илмий ва муҳандислик муаммоларини яратиш, татбиқ этиш ва таъминлашни ҳал этиш.

Информатика ўз ўзича мавжуд бўлмай, балки бошқа соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборот техникаси ва технологияларини яратишга қаратилган комплекс илмий-техник соҳадир. У бошқа, ҳатто жараёнлар ва ҳодисалар ноформаллашуви туфайли миқдорий услубларни қўллаш мумкин эмас деб ҳисобланадиган соҳаларга ҳам тадқиқот, услуб ва воситаларни тақдим этади. Информатикада компьютер техникаси шароити туфайли амалий рўёбга чиқиши мумкин бўлган математик моделлаш услуларини ҳал қилинишини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.


Ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий жаҳон даражаси шундан иборатки, республикада жаҳон ахборот маконининг инфратузилмалари ва миллий ахборот-ҳисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимни яратиш, иқтисодиёт, бошқариш, фан ва таълим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Бу муаммолар анча мураккаб ва айни пайтда республикамиз учун долзарбдир. Ҳозирда олиб борилаётган иқтисодий, тузилмавий ва бошқа ўзгаришларни амалга ошириш натижалари республикада ахборотлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг қандай ва қайси муддатларда ҳал этилишига ҳам боғлиқ.

I БОБ. ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕР ҚУРИЛМАЛАРИ

1.1. ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРНИНГ АСОСИЙ ҚУРИЛМАЛАРИ

Шахсий компьютер қуйидаги асосий қурилмалардан ташкил топади:

- процессор;
- монитор;
- клавиатура.



Қурилмада клавиатура белгиларни компьютерга киритиш, монитор эса маълумотларни тасвирлаш имкониятини беради. Процессор асосий қурилма булиб, унда микропроцессор, оператив хотира, қаттиқ диск, контролёр, дискетлар билан ишлаш учун қурилмалар ва ҳоказолар жойлашади.

1.2. ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРНИНГ ҚЎШИМЧА ҚУРИЛМАЛАРИ

Компьютер имкониятларини орттириш мақсадида унга қўшимча қурилмалар: принтер, сичқонча, модем, сканер ва ҳоказолар уланади.

Принтер — маълумотни қоғозга чиқаради;

Сичқонча — компьютерга маълумотлар киритишни енгиллаштирувчи манипулятор;

Модем — телефон тармоғи орқали бошқа компьютер билан маълумот алмашиш имкониятини беради;

Сканер — қоғоздаги маълумотларни компьютер экранига тасвирий равишда кўчиришни таъминлайди.

Ҳар бир қурилма процессорда жойлашган махсус жойга уланади ёки урнатилади. *Қўшимча қурилмани улашдан аввал компьютерни ўчириш зарур*, акс ҳолда компьютер бузилиши мумкин.

1.3. ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Шахсий компьютерни ишга тайёрлаш ва ўчириш маълум тартиблар асосида бажарилади. Дастлаб, компьютернинг тармоқ кучланишига мослигини текшириш керак. Шахсий компьютерлар 220 ёки 110 вт. кучланишли электр тармоқларида ишлаши мумкин.

Шахсий компьютерлар учун кучланишнинг ўзгариши, айниқса, кескин ўзгаришлар хавфли. Шунинг учун махсус стабилизаторлардан ёки электр қуввати узлуксизлигини таъминловчи — UPS қурилмасидан фойдаланиш тавсия этилади. Махсус UPS қурилмаси электр қувватини ўзгармас ҳолда ушлаб туради ҳамда электр манбаи ўчирилгандан кейин муайян вақт давомида компьютер ишлашини таъминлаб туради. Бу вақт эса компьютерда бажарилаётган ишларни тугатиш учун етарли. Масалан, керакли маълумотларни дискка ёзиб қўйиш ёки дастурларлар ишини тугатиш учун ва ҳоказо.

1.4. КОМПЬЮТЕРНИ ИШГА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ

Компьютер қуйидаги тартиб билан ишга тайёрланади:

- стабилизатор ёқилади;

- монитор ёқилади;
- процессор ёқилади.
- принтер керак бўлса, у ёқилади;

Шундан кейин экранда компьютернинг ишга тайёрлик даражасини текширувчи махсус дастур натижалари ҳамда операцион системани ишга туширувчи дастурлар ҳақида маълумотлар пайдо бўлади.

Операцион система ишга тушгач, у буйруқлар беришни таклиф қилади.

Компьютердан тартибли фойдаланиш, бажарилаётган иш якунлангандан сўнг уни тўғри ўчиришга ҳам боғлиқ.

Бунинг учун қуйидагилар бажарилади:

- ишлаётган дастурлар тугатилади;
- монитор ўчирилади;
- процессор ўчирилади;
- принтер ёқилган бўлса, ўчирилади;
- стабилизатор ўчирилади.

1.5. ПРОЦЕССОР

Процессор асосан қуйидаги қурилмалардан иборат.

- Микропроцессор — компьютерни бошқариш ва барча ҳисоб ишларини бажаради. Микропроцессор турли амалларни жуда тез бажариш имкониятига эга. Унинг операцияларни бажариш тезлиги секундига 100 миллион амалгача ва ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин.

- Оператив хотира процессор учун зарур бўлган дастурлар ва маълумотларни сақлайди. Компьютер ўчирилиши билан оператив хотирадаги маълумотлар ўчирилади.

- Қаттиқ диск дастур ва маълумотларни ўзида сақлайди.

- Электрон схемалар (ёки контролёрлар) компьютерга кирувчи (монитор, клавиатура ва ҳоказолар) турли қурилмалар ишини бошқаради.

- Кириш-чиқиш порти орқали ташқи қурилмалар билан маълумот алмашинади.

- Ички қурилмалар билан маълумот алмашуви учун махсус портлар ҳамда умумий портлар мавжуд.

- Умумий портларга принтер ва “сичқонча” ула ниши мумкин. Умумий портлар 2 хил бўлади: парал лел — LPT1 — LPT4 билан белгиланади ва кетма кет — COM1 — COM3 билан белгиланади. Параллел пор тлар маълумотлар кириб-чиқишини кетма кет порт га нисбатан тезроқ бажаради.

1.5.1. Микропроцессор

Микропроцессор компьютернинг асосий элемен ти бўлиб, дастурларнинг ишлашини таъминлайди ва компьютернинг бош қурилмалари ишини бошқара ди. Унинг ёрдамида ҳисоблашлар ва маълумотлар ал машинуви бажарилади. Микропроцессор секундига юз миллион операцияни бажариш имконига эга. Ком пьютерлар микропроцессор турлари билан фарқ қила ди.

Микропроцессорларнинг Intel-8088, 80286, 80386SX, 80386, 80486, Pentium каби турлари мавжуд.

Дастлабки компьютерлар Intel-8088 асосида қурил ган бўлиб, улар жуда секин ишлар эди. Intel-80286, 80386 микропроцессорларининг ҳам ишлаш тезлиги кейинги турларга нисбатан суст бўлганлиги сабаб ли, улар ҳозирги кунда ишлаб чиқарилмаяпти.

1993 йилдан бошлаб Intel фирмаси Pentium мик ро-процессорини ишлаб чиқара бошлади. Фирманинг Pentium асосидаги Pentium Pro микропроцессори ўрнатилган компьютерлар ҳам сотила бошланди. Pentium Pro нинг амаллар бажариш частотаси 150 Мгц (Pentiumда 133 Мгц) бўлиб, унинг Pentium га нисбатан ишлаш тезлиги 40 % ортиқ.

1991 йилдан бошлаб, IBM, Motorola, Fire Power ва бошқа фирмалар биргаликда Power PC микропро цессорини ишлаб чиқаришга киришиб, бу борада муваффақиятга эришилди. Шундай бўлсада, Pentium нархи арзонлиги ва жуда кўп имкониятларга эга экан

лиги билан фойдаланувчиларни ўзига кўпроқ жалб қила бошлади. Notebookлар ҳам 120 МГцди Pentium микропроцессори асосида ишлайди.

Pentium микропроцессоридан мураккаб ҳисоблар ва тасвирлар учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Оддий ишлар учун эса микропроцессорларнинг дастлабки турларидан фойдаланиш мумкин.

1.5.2. Оператив хотира

Оператив хотирада компьютерда ишлаётган дастур ва маълумотлар сақланади. Маълумотлар доимий хотирадан оператив хотирага кўчирилади, олинган натижалар зарур ҳолда дискка қайта ёзилади.

Одатда Intel-8088 процессорли шахсий компьютер 1 Мбайт ҳажмдаги оператив хотирага эга. (Intel-80286 4 Мбайт, Intel-80386 16 Мбайтгача оператив хотира билан ишлайди.)

• Байт — ахборот ўлчами бўлиб, 1 Кбайт 2^{10} байтга, 1 Мбайт 2^{10} Кбайтга тенг. Оператив хотира 2 қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисми — 640 Кбайт ҳажмда бўлиб, операцион система ва амалий дастурлар учун мўлжалланган. Иккинчи қисми эса ташқи хотира бўлиб, хизмат учун фойдаланилади.

Кўпгина дастурлар учун 640 Кбайт хотира етарли бўлмаганлиги сабабли, хотирани кенгайтириш муаммоси юзага келди. Бу муаммо хотирани кўшиш ва кенгайтириш усуллари билан ҳал бўлди. Қўшимча хотирани махсус хотира блоклари чиқарилди. Бу қўшимча хотира билан ишлаш учун махсус дастурлар яратилди. Масалан, LIMEMS 4.0 дастури 32 Мбайтгача бўлган қўшимча хотира билан ишлаш имконини беради.

Intel — 80286 нинг яратилиши билан хотирани кенгайтириш имкони туғилди. Бу микропроцессор оддий (real mode) ва ҳимояланган (protected mode) тартибларда ишлаши мумкин.

Махсус QEMM дастурлари кенгайтирилган оператив хотира билан ишлаш имкониятини яратди.

Мураккаб ишлар учун 16 Мбайтли, оддий ишлар учун 4-8 Мбайтли оператив хотирадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1.5.3. Дискетлар

Дискетлар маълумотларни бир компьютердан иккинчисига ўтказиш ва маълумотларни сақлаш учун ишлатилади. Асосан 3,5 дюймли дискетлардан фойдаланилади.



3,5 дюймли



Лазерли CD-ROM дисклар

3,5 дюймли (89 мм) дискетлар ҳажми 0.72, 1.44, 2 ва 2.88 Мбайтгача бўлиши мумкин. Улар ишончлироқ, чунки қаттиқ пластмасса қобик ичида жойлашган. Ҳозирги кунда 3,5 дюймли дискетлардан кўпроқ фойдаланилмоқда.

Дастурлар кундан-кунга мураккаблашиши ва ҳажми ортиши билан уларни сақлаш учун махсус дисклар яратиш зарурати туғилди. Шунинг учун лазерли CD-ROM дисклари яратилди. Уларнинг ҳажми 650 Мбайтгача. Ҳозирги кунда улардан катта ҳажмдаги дастурларни, видео ва энциклопедик маълумотларни сақлашда кенг қўлланила бошланди.


1.5.4. Қаттиқ диск

Қаттиқ магнит диск компьютердаги дастурлар ва маълумотларни доимий сақлаш учун ишлатилади. Жумладан, операцион система дастурлари, таҳрир дастурлар, дастурлаш системалари, амалий дастурлар, маълумотлар ва ҳоказолар. Қаттиқ дисклар турли ҳажмга эга бўлади: IBM PC XT да — 20 Мбайт, IBM PC AT да — 40 Мбайт, 80386SX, 80386DX, 80486SX микропроцессорли компьютерларда — 110-120 Мбайтгача, 80486DX да 120-540, 640, 850 Мбайтгача бўлади.

Мураккаб ишлар учун, катта ҳажмли маълумотлар учун 1-2 Гбайтли ва бундан юқори ҳажмдаги қаттиқ дисклар мавжуд. Зарур ҳолда қаттиқ дискни каттароқ ҳажмдагисига алмаштириш ёки бир неча дискдан фойдаланиш мумкин.

1.6. МОНИТОРЛАР

Шахсий компьютернинг монитори (дисплей) экранга матнли ва графикли маълумотларни чиқариш учун хизмат қилади. У икки хил режимда ишлаши мумкин: матнли ва графикли.



Монитор


Матнли режимда дисплей экрани шартли равишда 80 та устун 25 сатрга бўлинади. Шу майдоннинг ихтиёрий жойида белгилар тасвирланади. Бу белгилар катта ва кичик лотин ёки кирилл ҳарфлари, сонлар ва ёрдамчи белгилар - ~ ! @ # \$ % ^ & * () - + ` _ = / , ; : " ? \ { } кабилардан иборат.

График режимда экранга матнли маълумотлардан ташқари расм ва график тасвирлар ҳам чиқарилади. Бунда белги ихтиёрий шрифт ва улчамга эга бўлади. Бу режимда экран нуқталар тупламидан иборат. Ма-

салан, 640 x 200 имкониятли монитор экранида горизонталига 640 ва вертикалига 200 нуқтани тасвирлайди. Нуқталар сони ошиши билан тасвирлар сифати ошади. Қуйида мониторинг баъзи бир турлари келтирилади:

Адаптер	Ранги	Матнли	Графикли
MDA 640 x 200	Оқ-қора	80 x 20, 2 та ранг	640 x 200, 2 та ранг
CGA	Рангли	80 x 25, 16 та ранг, 20 x 200, 4 та ранг	640 x 200, 2 та ранг
Hercules	Оқ-қора	80 x 25, 2 та ранг	720 x 348, 2 та ранг
EGA	Рангли	80 x 25, 16 та ранг, 80 x 43, 16 та ранг	640 x 350, 16 та ранг
VGA	Рангли	80 x 25, 16 та ранг	640 x 480, 16 та ранг
SVGA	Рангли	80 x 25, 16 та ранг	800 x 600, 16 та ранг

1.7. КЛАВИАТУРА



Клавиатура.lnk

Клавиатура фойдаланувчи томонидан маълумотларни компьютерга киритиш учун мўлжалланган қурилмадир.

Тугмачалар сони ва жойлашиши турли хил компьютерларда ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уларнинг вазифаси узгармайди.

1.7.1. Катта ва кичик ҳарфларни киритиш тартиби

Катта ҳарфларни ҳамда юқори регистрдаги белгиларни киритиш учун [Shift] тугмачасидан фойдала-

нилади. Масалан, кичик «а» ҳарфини киритиш учун «А» тасвирланган тугмача босилади. Катта «А» ҳарфини киритиш учун эса [Shift] тугмачасини босиб ушлаб турган ҳолда, «А» тугмачасини босиш керак.

1 [Caps Lock] тугмачаси бош ҳарфларда ишлашни таъминлайди. Бош ҳарфли матнларни киритишда бу жуда қулайдир. [Caps Lock] тақрор босилса, бош ҳарфларда ишлаш режими бекор қилинади.

1 [Caps Lock] режимида [Shift] тугмачаси кичик ҳарфлар тартибини беради.

1.7.2. Компьютерда кирилл ва лотин алифбоси

Компьютерларда бир алифбодан бошқа алифбога ўтишни махсус клавиатура драйверлари (киритишчиқаришни бошқарувчи дастурлар) бажаради.

Бу дастур одатда, компьютер иши бошланаётганда қўйилади ва оператив хотирада жойлашган бўлади. Дастурнинг вазифаси — клавиатурадаги тугмачалар босилишини қайд қилиш ва мос белгиларни MS DOS операцион системасига узатишдан иборат.

Клавиатура драйверлари ёрдамида бир алифбодан бошқасига ўтиш учун маълум тугмачалар мажмуи босилиши назарда тутилган. Шунинг учун тугмачаларни маълум мажмуи босилгандан сўнг клавиатура драйвери бошқа алифбодаги белгиларни компьютерга узата бошлайди. Кирилл алифбосига ўтиш учун иккала [Shift] дан ёки [Ctrl] ёки [Alt] тугмачаларидан фойдаланади.

1.7.3. Клавиатуранинг махсус тугмачалари

Клавиатурада алифбо, рақамли ва тиниш белгили тугмачалардан ташқари махсус тугмачалар мавжуд.

- [Enter] тугмачаси (баъзи бир клавиатураларда [Return] ёки [CR]) сатр киритилишининг тўхтатилганини билдиради. Масалан, MS DOS буйруқлари киритилиши учун ҳар бир буйруқ [Enter] тугмачасининг босилиши билан тугалланиши керак. «Enter» сўзи киритиш деган маънони билдиради.

- [Del] тугмачаси, тўлиқ «delete» сўздан олинган бўлиб, *олиб ташлаш* деган маънони билдиради ва курсор кўрсатаётган белгини олиб ташлаш учун ишлатилади.

- [Ins] тугмачаси (тўлиқ «insert» сўздан олинган бўлиб, *суриш* деган маънони билдиради) белгиларни киритишда суриш режимдан алмаштириш режимига ўтишни таъминлайди.

- [Back Space] (ёки [Enter] устидаги чапга йўналган [←]) тугмачаси курсордан чапдаги белгини ўчиради.

- [←], [→], [↑], [↓], [Home], [End], [PgUp], [PgDn] тугмачалари курсорни бошқариш тугмачаларидир. Қоидага кўра, бу тугмачаларни босилиши курсорнинг мос йўналишда ([Home] сатр бошига, [End] сатр охирига) сурилишига ва матнни "варақлашга" ([PgUp]-орқага, [PgDn]-олдинга) олиб келади.

- [Num Lock] (рақамлар режими) тугмачаси босилган ҳолда, клавиатура унғ томонида жойлашган 1-9,0 рақамларидан фойдаланиш мумкин, акс ҳолда [Home], [↑], [PgUp], [←], [→], [End], [↓], [PgDn], [Ins] ва [Del] тугмачалари ишлатилади. [Num Lock] режими рақамли маълумотларни киритишда жуда қулай имконият яратади.

- [Esc] тугмачаси ("escape" сўзи қочиш маъноси билдиради) буйруқни бекор қилиш, дастурдан чиқиш учун фойдаланилади.

- [F1]-[F12] функционал тугмачалар (айрим клавиатураларда [F1]-[F10]) турли махсус амалларни бажариш учун зарур. Уларнинг вазифасини бажараётган дастур белгилайди.

- [Ctrl], [Alt] махсус тугмачалар [Shift] каби бошқа тугмачалар вазифасини ўзгартиради. Бу тугмачалар

бошқа тугмачалар билан биргаликда дастур ишига таъсир кўрсатади. Масалан, дастур тавсифида маълум бир амал бажарилиши учун [Alt]+[X] ни киритинг дейилса, сиз [Alt] тугмачасини босиб ушлаб турган ҳолда, [X] тугмачасини босишингиз керак.

- [Prtscr] — тугмачаси экрандаги тасвирни принтерга чиқаради.

- [Break] — тугмачаси дастур ишини тўхтатиш имкониятини беради.

1.7.4. Тугмачаларнинг махсус мажмуилари

[Ctrl] + [Break] ишлаётган дастур ёки буйруқ тугатилишини таъминлайди.

[Ctrl] + [Alt] + [Del] MS DOS системасини қайта ишга туширади, яъни операцион системани хотирага қайта юклайди.

[Shift] + [Prtscr] экрандаги ахборот нусхасини принтерга чиқариш режимини улаш ва ўчиришни таъминлайди.

[Ctrl] + [Num Lock] дастур ишини тўхтатиб туради. Давом эттириш учун ихтиёрий тугмача босилади. MS DOS системаси буйруқ ва дастурлари учун бу вазифани [Ctrl] + [S] бажаради. MS DOS системаси билан мулоқот учун қуйидаги махсус тугмачалар мажмуидан фойдаланиш мумкин.

[Ctrl] + [C] дастур ёки буйруқ ишини тугатади.


[Ctrl] + [P] экрандаги маълумот нусхасини принтерда босиш имконини беради.

[Ctrl] + [S] дастур бажарилишини тўхтатиб туради.

[F6] файл охири белгисини киритади. (Бу символ [Ctrl] + [Z] билан белгиланади.)

1.8. ПРИНТЕРЛАР

Принтер — маълумотларни қоғозга чиқарувчи қурилма.



Принтер

Барча принтерлар матнли маълумотни, купчилиги эса расм ва графикларни қоғозга чиқаради. Рангли тасвирларни чиқарувчи махсус принтерлар ҳам бор. Принтерларнинг қуйидаги турлари мавжуд: игнали, сиёҳли ва лазерли. Игна́ли принтерлар — кенг тарқалган принтерлар тури.

Бу принтер қуйидаги қоида буйича ишлайди: принтернинг ёзиш бошчасида вертикал тартибда игналар жойлашган. *Бошча* ёзув сатри буйлаб ҳаракатланади ва игналар керакли лаҳзада буйалган тасма орқали қоғозга урилади ва натижада қоғозда белги ёки тасвир пайдо бўлади. Игналар сонига қараб, бу принтерлар бир неча турларга бўлинади: 9 игнали, 24 игнали, 48 игнали.

- 9 игнали принтерда ёзув сифати пастроқ. Сифатни орттириш учун ёзишни 2 ёки 4 юришда бажариш керак.

- 24 игнали принтер сифатли ва тезроқ ишлайди.

- 48 игналисига эса ёзувни жуда сифатли чиқаради.

Игна́ли принтерлар бир бет матнни 10 секунддан 60 секундгача бўлган вақт ичида қоғозга чиқаради.

Сиёҳли принтерда тасвир қоғозга махсус қурилма орқали пуркалаётган сиёҳ томчиларидан ҳосил бўлади.

Сиёҳли принтер сифати лазерли принтерга яқин ва нархи ҳам арзон. Сиёҳли принтер шовқинсиз ишлайди. Шунинг учун ҳозирги кунда купчилик ундан фойдаланаяпти. Ишни бажариш тезлиги бир бет учун 15 дан 100 секундгача бўлади.

Лазерли принтерлар босмаҳона сифат даражасига яқин сифатли ёзувни таъминлайди. У ишлаш нуқтаи назаридан нусха кучирувчи ксероксга яқин, бунда фақат босувчи барабан компьютер буйруги ёрдамида электрланади. Буюқ доначалари зарбланиб, барабанга ёпишади ва тасвир ҳосил бўлади. Тезлиги

бир бет матн учун 3 дан 15 секундгача. Расм учун купроқ, катта расмлар учун 3 минутгача вақт талаб қилади.

Ҳозирги кунда минутига 6-20 бетгача чоп этадиган лазерли принтерлар мавжуд. Кирилл алифбосидаги матнларни чоп этишнинг қуйидаги тартиблари мавжуд:

- Кирилл алифбосидаги ҳарфлар шрифтлари компьютерда булиши мумкин. Агарда уларнинг кодлари компьютерники каби бўлса, у ҳолда DOS нинг Print ёки Copy буйруғларидан фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда махсус дастурни (Beta, rk) киритиб қўйиш керак.


- Кирилл алифбосидаги ҳарфлар билан ишлаш учун махсус дастурни киритиш керак. Масалан, Windows, Microsoft Word зарур шрифтларни узи юклайди.

- Русча матн фақат график режимда чиқарилиши мумкин. График режимда ихтиёрий шрифтни олиш мумкин. Лекин бу ҳолда принтер секинроқ ишлайди.

1.9. ЁРДАМЧИ ҚУРИЛМАЛАР

Қуйида биз компьютерга уланиши мумкин булган баъзи бир қурилмалар тавсифини келтирамиз.

- **Сичқонча** — компьютер билан фойдаланувчи мулоқотини енгиллаштирувчи манипулятор. Унинг “сичқонча” номи ташқи кўринишидан келиб чиққан. “Сичқонча” қўлга бемалол жойлашувчи бир неча тугмали қутича.



Сичқонча. Ink

Сичқонча стол ёки махсус юза (гиламча)да ҳаракати натижасида экрандаги курсорни мос равишда ҳаракатлантиради. Менюнинг бирортасини бажариш учун “сичқонча”нинг мос тугмачаси босилади. Бир хил

амалий дастурлар фақатгина “сичқонча“ билан иш-лашга мослашган.

- **Плоттер** — чизмаларни қоғозга чиқарувчи қурил-ма. Плоттерлар икки хил — барабанли ва планшет-ли бўлади. Плоттерлардан асосан чизма лойиҳалар-ни автоматлаштиришда фойдаланилади.

- **Сканер** — компьютерга матнли ёки тасвирли маъ-лумотни киритувчи қурилма. Сканерлар белгиларни ҳам англайди, шунинг учун қўлёзмаларни ҳам ком-пьютерга киритиши мумкин. Сканерлар икки хил бўлади: автоматик ва автоматик бўлмаган. Биринчи-си маълумотни варақлаб ўқийди, иккинчиси сатр-лаб, бунинг учун сканерни керакли сатрга қўл би-лан суриб туриш керак.

- **Тармоқ картаси** — компьютерни маҳаллий тар-моққа улаш имконини беради. Бунда фойдаланувчи тармоқдаги бошқа компьютер маълумотларидан фой-даланиш имкониятига эга бўлади.

- **Мултимедиа** — компьютер ёрдамида мусиқа ижро этилишини таъминловчи қурилма. Одатда у колон-ка ва микрофон билан биргаликда бўлади. Унинг ёрдамида мусиқани таҳрир қилиш, инсон нутқини ёзиб олиш ҳам мумкин.

- **CD-ROM** — компакт дискларни ўқувчи қурил-ма бўлиб, маълумотларни махсус CD-ROM компакт дисклардан ўқиш имкониятини беради. Бу компакт дисклар ишончлироқ, 650 Мбайт ҳажмдаги маълу-мотни сақлайди.

- **Трекбол** — “сичқонча“ каби, шар шаклидаги манипулятор. Шар бурилган томонга экрандаги тас-вир ҳам мос равишда бурилади.

- **Модем** — телефон тармоғи орқали бошқа ком-пьютер билан маълумот алмашинувини таъминлай-ди. Модемлар бир-биридан маълумот узатиш тезли-ги билан фарқ қилади.

II БОБ. MS DOS ОПЕРАЦИОН СИСТЕМАСИ

MS DOS операцион системаси 1981 йилда Microsoft фирмасида IBM фирмаси таклифи билан яратилди.

Операцион система (ОС) компьютер билан фойдаланувчи ўртасида мулоқотни ўрнатади, компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари ишини бошқаради.

ОС дастурларни оператив хотирага кўчиради, уларнинг талабларини бажариб, ишини таъминлайди. Дастур вазифасини бажариб бўлгандан кейин оператив хотирани ундан тозалайди, яъни фойдаланувчи ишлаши учун оператив хотирада кенг майдон яратади.

Бу буйруқлар асосида фойдаланувчи дискни номлаш, файллар нусхасини кўчириш, экранда каталоглар кетма-кетлигини олиш, ихтиёрий дастурлар, принтерлар, дисплей билан бевосита ишлаш имкониятига эга бўлади. Операцион система компьютер ишга туширилиши билан юкланувчи шундай бир дастурдирки, бу дастур фойдаланувчига ЭҲМ билан мулоқот қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади, унинг барча қурилмалари ишни бошқариш имконини беради. Операцион система ёрдамида тезкор хотирадан фойдаланиш, дисклардаги ахборотларни ўқиш ёки ахборотларни дискларга йиғиш, амалий дастурларни ишга тушириш ва шу каби турли ишларни амалга ошириш мумкин. Унинг асосий вазифаси фойдаланувчини бажариши ва умуман билиши керак бўлмаган зерикарли ҳамда жуда мураккаб ишлардан халос этиш, компьютер билан мулоқот қилишда қулайликлар яратишдан иборат. Бундан ташқари, ОС файлларни кўчириш ёки босмага чиқариш, керакли

дастурларни тезкор хотирага юклаб ишга тушириш ва бошқарувни уларга узатиш, оператив хотирани дастур иши сўнгида бушатиб, бошқарувни яна ўзига олиш каби ишларни ҳам бажаради.

2.1. MS DOSНИНГ ТАРКИБИ

Киритиш-чиқариш системаси (BIOS) ЭҲМнинг доимий хотирасига «жойлаштирилган» бўлиб, ОСнинг ахборотни киритиш ва чиқариш амаллари билан боғлиқ хизматларини бажаради.

Операцион системани юкловчи дастур (IPL) дискнинг махсус биринчи секторига жойлашган бўлиб, асосий вазифаси DOSни ЭҲМ тезкор хотирасига юклаш.

IO.SYS ва MSDOS.SYS дастурлари дискда жойлашган бўлиб, мураккаб киритиш-чиқариш амалларини бажаради. (Мазкур файлларнинг номлари ОС версиясига кўра ўзгача бўлиши ҳам мумкин, масалан, IBMBIO.COM ва IBMDOS.COM)

Бўйруқ процессори COMMAND.COM дискда жойлашган бўлиб, DOS ишини бошқариш учун хизмат қилади. Фойдаланувчининг бир қанча бўйруқларини (break, cd, cls, copy, ..., ver, verify, vol) бўйруқ процессорининг ўзи бажаради. Бундай бўйруқлар COMMAND.COMнинг ўзида жойлашганлиги учун ички бўйруқлар деб аталади.

MS DOS ташқи бўйруқлари ОС билан биргаликда тавсия этиладиган алоҳида-алоҳида файл кўринишидаги дастурлардир. Мазкур дастурларнинг ҳар бири фойдаланувчи учун зарур бўлган DOSнинг кўшимча амалларини бажаради. Фойдаланувчининг ташқи бўйруғига мос бўлган дастурни COMMAND.COM излаб топгач, тезкор хотирага юклайди ва бошқарувни унга узатади. Дастур иши тугагач, бўйруқ процессори дастурни тезкор хотирадан ўчиради ва фойдаланувчининг навбатдаги бўйруғини кутиб туради (A:> ёки C:>).

Қурилмалар драйверлари дискда жойлашган бўлиб, ШЭХМ ва ташқи қурилмалар ўртасида «мулоқот» воситасини утайди. Масалан, драйверлар ёрдамида «Электрон диск» билан ишлаш мумкин. ШЭХМ хотирасининг бирор қисми ҳисобига ҳосил қилинган бундай дискдан оддий диск каби фойдаланиш мумкин.

2.2. DOSНИ ЮКЛАШ АЛГОРИТМИ

ШЭХМ электр тармоғига уланиши билан BIOS компьютер хотираси ва қурилмаларининг ишга яроқли ёки яроқсиз эканлигини махсус тест ёрдамида текшириб чиқади. Қурилмаларда бирор бузулиш мавжуд бўлиб, ана шу бузилишни четлаб ўтиш мумкин бўлсагина, DOSни юклаш давом этирилади ёки бузилишига оид хабар экранга чиқарилади.

Мазкур тест муваффақиятли яқунланиши билан BIOS "А:" номли диск юритувчида эгилувчан магнитли диск (ЭМД) бор ёки йўқлигини текширади. Агар диск мавжуд бўлса, DOS ЭМДдан, аксинча бўлса, қаттиқ магнитли диск (ҚМД) — "винчестер"-дан юкланади.

BIOS бошқарувни DOSни юкловчи IPLга узатади ва IPL ўз навбатида ЭХМни созлаб, тезкор хотирага IO.SYS ва MSDOS.SYS диск файлларини юклайди.

Бошқарув буйруқ процессори COMMAND.COMга берилади.

DOS юкланиб бўлгач, DOS олинган ЭМД ёки ҚМДда CONFIG.SYS ва AUTOEXEC.BAT файллари (бундай файлларни фойдаланувчининг ўзи аввалдан матн муҳаррирлари ёрдамида тайёрлаши мумкин) мавжуд бўлса, COMMAND.COM аввал CONFIG.SYSни, сўнгра AUTOEXEC.BATни ишга туширади. Яъни бу икки файл ёрдамида фойдаланувчи баъзи драйвер ва дастурларни автоматик равишда ишга тушириш имкониятига эга бўлади.

2.3. MS DOS ОПЕРАЦИОН СИСТЕМАСИННИНГ АСОСИЙ БУЙРУКЛАРИ

2.3.1. Матнли файл ташкил этиш

Матнли файлни ташкил этиш учун
copy con <файл номи>

буйруғи киритилади ва файл сатрлари клавиатурадан киритилади. Ҳар бир сатр [Enter] тугмачаси босилгандан, охиргиси эса, [F6]-[Enter] тугмачалари босилгандан сўнг тугатилади. Натижада экранда қуйидаги жавоб ҳосил бўлади.

1 file (s) copied

(1 та файл нусхаси кўчирилди) ва дискда файлнинг номи ҳосил бўлади.

Масалан,

```
C:\>copy con xxx.doc
```

```
Men Jomurodov Do'stmurod Mamasoliyevich  
1977 yil 28 oktyabrda tug'ilganman. 1994-99 yillarda  
A. Qodiriy nomli Jizzax Davlat pedagogika  
institutining Fizika-Matematika fakultetida taxsil  
olganman.^Z
```

```
1 файлов скопировано
```

```
C:\>
```

С дискнинг узак каталогида xxx.doc номли файл ҳосил бўлади.

2.3.2. Файлни ўчириш

Файлни доимий хотирадан ўчириш учун del (delete — ўчириш) буйруғи қуйидаги форматда берилади:

del [Диск:] [йўл] [файл номи]

файлнинг номида «*», «?» белгиларидан фойдаланиш мумкин.

Масалан, агар каталогнинг барча файлларини

ўчирмоқчи бўлсангиз, del *.* буйруғи киритилади.
Компьютер бунга қуйидагича жавоб беради:

Are You sure (Y/N)?

(Ишончингиз комилми ?)

```
C:\SHAXLO>del *.*
```

Будет удалены все файлы в папке!

Продолжить [Y(да)/N(нет)]?

Файлларни ўчириш учун «Y», акс ҳолда «N» киритилади.

Ёки del xxx.doc буйруғини киритсангиз, жорий каталогдаги xxx.doc файли ўчирилади.

2.3.3. Файлни қайта номлаш

Файлни қайта номлаш буйруғи ren (rename — қайта номлаш) ҳисобланади. Бу амал қуйидагича бажарилади:

ren [Диск:] [йул\] [файл номи] [файлнинг янги номи]

Масалан,

ren xxx.doc xxx.txt — буйруғи жорий каталогдаги xxx.doc файлининг номини xxx.txt га ўзгартиради.

2.3.4. Файлнинг нусхасини кўчириб ўтиш

Файлнинг нусхасини кўчириш буйруғи номи сору (сору — нусха кўчириш) бўлиб, унинг формати:

сору <файлнинг номи> <файлнинг номи>

ёки

сору <файлнинг номи> <Каталог номи>

Биринчи буйруқда номи кўрсатилган файлнинг нусхаси кўрсатилган ном билан кўчирилади. Иккинчи буйруқда эса файлнинг нусхаси кўрсатилган каталогга кўчирилади.

Файлнинг нусхасини принтерга олиш учун

copy <файлнинг номи> рпг

буйругини киритиш етарли бўлади.

Масалан: copy xxx.doc xxx.txt — жорий каталогда xxx.doc файлининг нусхаси — xxx.txt ни ҳосил қилади.

copy a: *. * — А дискнинг туб каталогигаги барча файллар нусхасини жорий каталогга кўчиради.

2.3.5. Дискда файлни қидириб топиш

ff (file find — файлни топиш) — дастури дискда файлни топишга ёрдам беради. Бунинг учун файлнинг номини беришингиз лозим, яъни

ff <файлнинг номи>

Масалан, ff xxx.doc-буйруги дискдаги барча каталоглардан xxx.doc файлини топиб беради.

2.3.6. Файл матнини экранга чиқариш

Файл матнини экранга чиқариш учун

type <файл номи>

буйругини киритиш зарур. Натижада экранда файл матни ҳосил бўлади. Маълумот чиқишини тўхта-тиш учун [Ctrl]+[S] тугмачалари босилади.

Масалан,

```
C:\>type xxx.doc
```

```
Men Jomurodov Do'stmurod Mamasoliyevich  
1977 yil 28 oktyabrda tug'ilganman. 1994-99 yillarda  
A. Qodiriy nomli Jizzax Davlat pedagogika  
institutining Fizika-Matematika fakultetida taxsil  
olganman.
```

```
C:\>
```

Монитор экранини тозалаш учун Cls буйруғи киритилади. Натижада, MS DOSнинг таклифи экраннинг биринчи сатрига кучади.

ЖОРИЙ ДИСКНИ ЎЗГАРТИРИШ

Жорий дискни ўзгартириш учун диск номидан кейин (:) қўйилади, яъни

a: - A: дискка ўтиш учун;

b: - B: дискка ўтиш учун;

c: - C: дискка ўтиш учун амалга оширилади.

2.3.7. Жорий каталогни ўзгартириш

Жорий каталогни ўзгартириш учун cd (change directory — каталогни ўзгартириш) буйруғидан фойдаланилади. Унинг формати қуйидагича:

cd [Диск:][Йўл\]

Масалан: cd\exe\dos — Каталогни exe\dos каталогига ўзгартиради.

cd\ — жорий диск тўб каталогига ўтишни таъмин-лайди.

cd.. — олдинги босқичдаги каталогга қайтаради.

2.3.8. Каталогни кўздан кечириш

Каталог рўйхатини чиқариш учун dir буйруғидан фойдаланилади. Унинг формати:

dir [Диск:][Йўл\][файл номи][p][w]

Агар файл номи берилмаса, каталогнинг мундарижаси чиқади. Бунда дискдаги ҳар бир каталог ва файллар номи, ҳажми, ёзилган кун ва вақти ҳақидаги маълумот экранда пайдо бўлади.

C:\SEA>dir

Том в устройстве С имеет метку DISK1

Серийный номер тома: 2930-19D3

Содержимое папки C:\SEA

			<ПАПКА>	09.04.01	18:00...
			<ПАПКА>	09.04.01	18:00 ..
ARJ	EXE	83 997		20.10.95	15:30
SEA	ARJ	1 176 012		09.04.01	0:51
DOS4GW	EXE	269 420		22.09.94	14:07
SEA	BAT	23		27.10.98	19:38
SEA	DAT	131 335		15.12.96	10:53
SEA	DOC	29 602		22.04.97	22:16
SEA	EXE	968 369		23.06.97	15:18
SEA	ICO	766		16.06.97	2:36
SEA	INI	164		22.04.01	13:31
SEA	OLD	968 369		05.05.97	20:54
SEA	PIF	967		11.04.01	14:07
SEA1	ICO	766		11.06.96	16:14
SEA13CRK	EXE	35 744		23.06.97	16:24

13 файлов 3 665 534 байт

2 папок 1 505 865 728 байт свободно

C:\SEA>

Бунда:

/р белгиси мундарижани экранга varaqlab чиқара-
ди;

/w белгиси файллар руйхатини қисқа форматда бир неча устунда чиқаради.

Microsoft(R) Windows 98
(C)Copyright Microsoft Corp 1981-1999.

C:\>dir/w

Том в устройстве C имеет метку DISK1
Серийный номер тома: 2930-19D3
Содержимое папки C:\

[TEMP]	[ARH]	[UTIL]	SCANDISK.LOG	[DOS]
[TEST]	[VC]	AUTOEXEC.DOS	AUTOEXEC.TTZ	TEST.OK
CONFIG.DOS	[TALKTOME]	SETUPLOG.OLD	COMMAND.PIF	CONFIG.SYS
NETLOG.TXT	[WINDOWS]	COMMAND.COM	[PROGRA~1]	AUTOEXEC.BAT
[READIRIS]	[МОИДОК~1]	ANAFCIAG	[ACROREAD]	SETUPLOG.TXT
ANAFCIAM	ANAFCIJB	[QUANTENG]	[UNZIPPED]	[SEA]
[SHAXLO]	ASQAR.DOC	CONFIG.WIN	[AMERIC~1.0]	УЗБЕКГ~1.DOC
ТАКЛИФ~1.DOC	ХУШИД~1.DOC	ТАКЛИФ~2.DOC	DOC1.DOC	TREEINFO.NCD
ТУЛОВГ~1.DOC	ШАМСИЕВ.DOC	ШАМСИЕ~1.DOC	ОКШОМ.DOC	БАХОП.DOC

28 файлов 1 193 432 байт
17 папок 1 496 731 648 байт свободно

C:\>

Руйхат охирида файллар сони, эгаллаган ҳажмлари ва буш жой келтирилади.

2.3.9. Каталог ташкил қилиш

Каталог ташкил қилиш учун md (make directory - каталог очил) буйругидан фойдаланилади. Унинг формати.

md [Диск:][Йул\]<Каталог номи>

Масалан,

md XXX- XXX каталогини жорий каталогда ҳосил қилади.

md a:\WORK -A: дискда WORK каталогини ҳосил қилади.

2.3.10. Каталогни ўчириш

Каталогни ўчириш учун **rd** (remove directory - каталогни ўчириш) буйругидан фойдаланилади.

rd [Диск:][Йул\]<каталог номи>

Каталогни ўчиришдан аввал унинг файл ва каталоглари ўчирилади, яъни каталог буш бўлиши лозим. Акс ҳолда

```
C:\>rd sea
```

```
Путь задан неправильно,  
либо папка не пуста
```

```
C:\>
```

каби хатолик юз бериши мумкин.

2.4. ДИСКЕТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Дискетни ишлатишдан олдин уни форматлаш зарур. Бунинг учун MS DOS нинг махсус Format буйругидан фойдаланилади. Бу буйруқ формати:

format a:

Буйруқ киритилгандан кейин қуйидаги хабар экранда пайдо бўлади.

Insert new diskette to drive x: and strike Enter when ready (Дискетни қўйинг ва [Enter] тугмачани босинг).

Агар дискет яроқсиз бўлса, қуйидаги хабар чиқади. Track 0-bad-disk unusable (0 чи йул яроқсиз, дискетани ишлатиш мумкин эмас)

Форматлаш тугатилгандан сўнг, савол берилади.
Format another (Y/N) ? (Яна форматлайсизми (ха,
йўқ)?)

Агар дискетда бирор маълумот бўлса, форматлаш натижасида у ўчирилади.

• Агар “format a: /S” буйруқ киритилса, форматлаш натижасида «системали» дискет ҳосил бўлади. Ундан MS DOS ОС ни юклашингиз мумкин.

III БОБ. NORTON COMMANDER ДАСТУРИ БИЛАН ИШЛАШ

Norton Commander дастури "Peter Norton Computing" фирмасининг маҳсулоти бўлиб, унинг вазифаси MS DOS ОС билан ишлашни енгиллаштиришдан иборат. Бу дастур файллар ва директориялар билан боғлиқ асосий амаллар — қидириш, нусха кўчириш, қайта номлаш, ўчириш кабиларни содда-роқ, қулайроқ равишда бажаради.

Шундай қилиб, NC операцион система вазифаларини бажаради ва унинг имкониятларини кенгайтиради. MS DOS буйруқлари билан тўғридан-тўғри, яъни NC дан чиқмасдан туриб ишлаш мумкин.

NC каби QDOS, Path Minder, XTree, Windows дастурлари мавжуд.

3.1. NC ИМКОНИАТЛАРИ

NC турли функцияларни бажаради, хусусан:


- Дискдаги каталоглар рўйхатини батафсил кўрсатади.
- Дискдаги каталоглар дарахтини кўрсатиш, каталогларни яратиш, қайта номлаш, ўчириш имкониятларига эга.
- Файллар устида нусха кўчириш, қайта номлаш, жойни ўзгартириш ва ўчириш буйруқларини қулайроқ бажаради.
- Турли матнли файллар, ҳужжатлар, архив файллар, маълумотлар базаси матнларини кўриш, матнли файлларни таҳрир қилиш имкониятига эга.
- MS DOSга тегишли ихтиёрий буйруқларни ва ҳоказоларни бажаради.

3.2. NC ДАСТУРИНИ ИШГА ТУШИРИШ

NC дастурини ишга тушириш учун DOSнинг буйруқлар сатрида клавиатурадан қуйидагини териш керак:

NC (Volkov Commander учун VC)

Натижада экраннинг юқори қисмида икки қаватли ҳошия билан чегараланган иккита тугри бурчакли дарчалар ҳосил бўлади. Бу дарча одатда «панел» деб аталади. Панеллар тагида DOSнинг буйруқлар сатри жойлашади. Ундан DOSнинг ихтиёрий буйруқларини киритишингиз мумкин. Охирги сатрда эса NC функционал тугмачаларининг вазифасини эслаувчи сатр жойлашади.



3.3. НСДАН ЧИҚИШ

NC дан чиқиш учун [F10] тугмачаси босилади. Эcranнинг уртасида қуйидаги савол ҳосил булади:

Do you want to quit the Norton Commander ? (Yes, No)

(Сиз Norton Commander дан чиқмоқчимисиз?)

Агар чиқмоқчи бўлсангиз [Enter] ёки "Y"ни, акс холда [Esc] ёки "N" ни киритасиз.

3.4. DOS БУЙРУҚЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШ

DOS буйругини бажариш учун у клавиатурадан киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади. Буйруқлар сатрида буйруқларни таҳрир қилиш тартиби юқорида қайд қилинган эди.

NC панелидаги жорий файлни буйруқлар сатрига [Ctrl] + [Enter] тугмачалари чиқаради.

Аввалги буйруқни буйруқлар сатрига қайтариш [Ctrl] + [E] тугмалар орқали амалга оширилади.

Аввал киритилган буйруқни чиқариш учун унинг биринчи уч ҳарфи киритилиб, [Ctrl] + [Enter] тугмачалари босилади.

3.5. NC ПАНЕЛЛАРИ ТАРКИБИ

NC панелида бирор диск ёки каталогнинг каталог файллари ҳақидаги маълумотлар ёки дискдаги каталоглар дарахти кабилар тасвирланиши мумкин. Бунда панелнинг юқори қисмида жорий диск ёки каталог номи кўрсатилади.

3.6. NC ПАНЕЛЛАРИНИ БОШҚАРИШ

NC панелларини бошқариш учун қуйидаги тугмачалар мажмуидан фойдаланиш мумкин:

[Tab] ёки [←]

[→] — жорий панелни ўзгартиради.

[Ctrl] + [O] — экрандаги панелларни учиради ёки аксинча.

[Ctrl] + [P] — жорий бўлмаган панелни учиради ёки аксинча.

[Ctrl] + [U] — панеллар ўрнини алмаштиради.

[Ctrl] + [F1] — чап панелни учиради ёки аксинча.

[Ctrl] + [F2] — ўнг панелни учиради ёки аксинча.

[Alt] + [F1] — чап панелда дисклар рўйхатини чиқаради.

[Alt] + [F2] — унл панелда дисклар руйхатини чиқаради.

3.7. ПАНЕЛДАГИ КАТАЛОГЛАР РҲЙХАТИ

Агар NC панелида каталог руйхати келтирилса, у ҳолда панелнинг юқори қисмида каталог номи келтирилади. NC файллар номини кичик ҳарфларда, каталог номларини бош ҳарфлар билан кўрсатади.

Системали файлларнинг эса биринчи ҳарфи бош ҳарфда бўлиб, файл номи билан кенгайтгич ўртасида файлга атрибут ўрнатилганлигини билдирувчи белги бўлади.

NC файллар ҳақидаги маълумотни қисқа ва тула тарзда бериши мумкин. Қисқача маълумот фақатгина файллар номини кўрсатади. Тула маълумот файллар ҳажмини (байтларда), у ёзилган кун ва вақтни ҳам кўрсатади.

Панелнинг пастки қисмида ажратилган ёки танланган файллар ҳақида маълумот келтирилади. NC файллар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги тартибда чиқариши мумкин: номлар, кенгайтгичлар бўйича алфавит тартибида, ёзилган куни, вақти ва ҳажмининг камайиб бориши тартибида.

Маълумот чиқиш тартибини ўзгартириш қуйидаги тугмачалар мажмуини босиш ёрдамида амалга оширилади:

[Ctrl] + [F3] - ном бўйича тартиблайди.

[Ctrl] + [F4] - кенгайтма бўйича тартиблайди.

[Ctrl] + [F5] - вақт бўйича тартиблайди.

[Ctrl] + [F6] - ҳажм бўйича тартиблайди.

[Ctrl] + [F7] - каталогларнинг тартибланмаган руйхатини беради.

3.8. АЖРАТИЛГАН ФАЙЛ ЁКИ КАТАЛОГ

Ранг билан бошқалардан фарқланувчи экрандаги бирор файл ёки каталогни ажратилган, деб атаймиз.

Курсорни — [←], [→], [↑], [↓], [PgUp], [PgDn] сурвчи тугмачалар ёрдамида ажратилган файлни ўзгартириш мумкин.

Файлни тезроқ ажратиш учун [Alt] тугмачаси босилган ҳолда керакли файлнинг биринчи ҳарфлари босилади.

3.9. ФУНКЦИОНАЛ ТУГМАЧАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Функционал тугмачалар тавсифи қуйидагича:

[F1] — Help — NC билан ишлаш жараёнида тугмачалар вазифаси ҳақидаги қисқача маълумотни беради.

[F2] — Menu — фойдаланувчи рўйхатда кўрсатган буйруқлар ишини таъминлайди.

[F3] — View — файл матнини экранга чиқаради. Матнли файлларнинг маълумотларини кўриш имконини беради.

[F4] — Edit — файлни таҳрир қилиш имконини беради.

[F5] — Copy — файлнинг нусхасини кўчиради. Экрани уртасида файл нусхасини қаерга кўчириш ҳақидаги савол ҳосил бўлади. Каталог номи кўрсатилмаса, файл нусхаси иккинчи панелдаги жорий каталогга кўчирилади. Каталог номини ўзгартириш зарур бўлса, каталог номи киритилиб, [Enter] босилади. Буйруқни [Esc] тугмачасини босиб бекор қилиш ҳам мумкин.

[F6] — Remove — файлни қайта номлайди ёки бошқа каталогга кўчиради. Бу файлнинг янги номи ёки каталог номи кўрсатилгач амалга оширилади. Буйруқни қайтариш учун [Esc] тугмачаси босилади.

[F7] — Mkdir — янги каталог ташкил қилади.

[F8] — Delete — файл ёки каталогни учиради.

[F9] — PullDn — NC ишлаш тартибларини ўзида акс эттирувчи менюни чиқаради.

[F10] — Quit — NC дан чиқишни таъминлайди.

Агар [Alt] босилса, экраннинг охирги сатри узга-
ради ва [Alt] + [F1] — [Alt] + [F10] тугмачалар маж-
муи ёрдамида бажариш мумкин бўлган вазифалар
келтирилади.

Қуйида уларнинг вазифаси қисқача келтирилган.
[Alt] + [F1] — Left — чап панелда кўрсатилган
дискни танлайди.

[Alt] + [F2] — Right — унг панелда кўрсатилган
дискни танлайди.

[Alt] + [F3] — View — матнли файлни тезроқ эк-
ранга чиқаради.

[Alt] + [F4] — Edit — файлни ташқи таҳрирлагич
ёрдамида таҳрир қилишни таъминлайди.

[Alt] + [F5] — Comp — ажратилган файлларни
архивга жойлайди.

[Alt] + [F6] — DeComp — архивдаги файлларни
қайта тиклайди.

[Alt] + [F7] — Find — дискда файлни қидиради.

[Alt] + [F8] — History — киритилган буйруқлар
руй-хатини чиқаради ва буйруқни қайта бажаради.

[Alt] + [F9] — Ega Ln — экрандаги сатрлар сони-
ни 25 тадан 43 тагача (EGA ва VGA монитори учун
50 га) ўзгартиради.

[Alt] + [F10] — Tree — бошқа каталогга тезроқ
утишни таъминлайди.

3.10. ФАЙЛЛАР ГУРУҲИНИ ТАНЛАШ

Файллар гуруҳини танлаш улар гуруҳи устида баъзи
бир амаллар бажариш имкониятини беради. Танлан-
ган файллар рангли дисплейда равшанроқ тасвирла-
нади. Панелларнинг охирги сатрида файллар гуруҳи
сони ва ҳажми ҳақидаги маълумот келтирилади. Би-
рор файлни танлаш учун [Ins] тугмачасини босиш
керак. Бу тугмачанинг қайта босилиши танлашни
бекор қилади. Файллар гуруҳини уларнинг турига
қараб ажратиш учун [+], [Enter] тугмачасини босиб,

гуруҳлар тури «*» ва «?» белгилари ёрдамида кири-тилади. Бекор қилиш учун [-], [Enter] тугмачаси бо-силади.

Файллар гуруҳи устида нусха кўчириш, қайта ном-лаш, ўчириш, кўчириш, архивга жойлаш, архивдан тиклаш амаллари бажарилиши мумкин.

3.11. ФАЙЛ МАТНИНИ ЭКРАНДА КЎРИШ

Norton Commander матнли файлларни, архивли файлларни, жадвалларни ўқиш имкониятига эга. Бунинг учун курсорни файл устига келтириб, [F3] тугмачаси босилади. Файл матни бўйлаб ҳаракатла-ниш учун [←], [→], [↑], [↓], [PgUp], [PgDn] тугмача-ларидан фойдаланилади. [Home] матн бошини, [End] охирини кўрсатади. Маълумотлар базаси ёки жад-валларда белгини қидириш учун [F7] дан фойдала-ниш мумкин.

Бу буйруқ ёрдамида экрандаги матнни фақатгина ўқиш мумкин.

3.12. ФАЙЛНИ ТАҲРИР ҚИЛИШ

Файлни таҳрир қилиш учун курсорни файл усти-га келтириб, [F4] босилади. Натижада экранда файл матни ҳосил бўлади. Экраннынг биринчи сатрида маълумот сатри жойлашади. Унда файл номи, сатр ва устун тартиб рақами, бўш хотира ҳажми, жорий белги коди берилади. Бу таҳрирлагич фақатгина ай-рим белгиларни ўзгартириб, мураккаб амалларни ба-жара олмайди. Шунинг учун мураккаб ишлар учун махсус таҳрирлагичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Norton Commander таҳрирлагичининг қисқача тав-сифи қуйида келтирилган.

- Матн бўйлаб ҳаракатни йўналиш тугмачалари амалга оширади.

- Курсор матнинг бошига [Ctrl] + [Home] ва охирига [Ctrl] + [End] тугмачалари ёрдамида утказилади.

- [Alt] + [F8] эса, кўрсатилган рақамли сатрга утказишни таъминлайди.

- Курсордан сатр охиригача бўлган белгилар [Ctrl] + [K] тугмачалари ёрдамида учиради.

- [Ctrl] + [Y] сатрни тулиқ ўчиради.

- Файлни хотирага [F2] тугмачаси ва янги ном билан [Shift] + [F2] тугмачаси ёзади.

- [F10] ёки [Esc] — таҳрирлагичдан чиқишни таъминлайди. Агар файл дискка ёзилмаган бўлса, таҳрирлагич Сизни огоҳлантиради. Ёзиш зарур бўлса, "Save" буйруғи берилади. Акс ҳолда - "Don't save".


3.13. ФАЙЛ ВА КАТАЛОГ НУСХАСИНИ ОЛИШ

Файл ёки файллар гуруҳи нусхасини олиш учун [F5] босилади. Натижада экранда файл нусхасини кўчириш манзили сўралади.

Copy		
Copy "kl.com" to		
C:\VC.		
Copy]	[F10-Tree]	[Cancel]

Одатда, иккинчи панел манзили кўрсатилади. Шунинг учун аввал панелларнинг бирида нусха олиниши зарур бўлган файл каталоги ва иккинчи панелда эса манзилли диск ёки каталог ўрнатилгани қўлай. Бу ҳолда [Enter] тугмачаси босилиши лозим. Акс ҳолда файл кўчирилиши зарур бўлган каталог номи ёки файлнинг янги номи кўрсатилади ва [Enter] тугмачаси босилади. Экранда файл кўчирилаётганлигини акс эттирувчи тасвир ҳосил бўлади.

Агар манзилда файл номи булса, экранда савол ҳосил булади.



Бунда

Overwrite — ёзишга рухсат этилади.


Skip — ёзишга рухсат этилмайди.

All — ушбу ва барча кейинги файлларни ёзишга рухсат этади.

Каталог нухасини олиш учун ҳам [F5] тугмачаси босилади. Бунда каталог ва барча файллар кўчирилади. Агар "Include sub directories" режими [Space] ёрдамида ўрнатилса, каталог ичидаги барча каталоглар ҳам файллари билан бирга кўчирилади.

3.14. Файл ва каталогни қайта номлаш ва кўчириш

Файл ва файллар гуруҳи ёки каталог номини ўзгартириш учун [F6] тугмачаси босилади. Экранда савол ҳосил булади.




Саволга жавобан янги ном киритилади ва [Enter] тугмачаси босилади.

- Файл ва каталогларни кўчириш учун ҳам [F6] тугмача босилади. Бунда файллар аввалги манзилидан ўчирилади.

3.15. КАТАЛОГ ТАШКИЛ ЭТИШ

Каталог ташкил этиш учун [F7] тугмачаси босилади. Экранда каталог номи сўралади.




Бунга жавобан каталог номи киритилади ва [Enter] тугмачаси босилади. Бўйруқни [Esc] тугмачаси ёрдамида бекор қилиш мумкин.

Агар шу номдаги каталог ёки файл бўлса, "Can't create directory" деган ёзув ҳосил бўлади ва каталог очилмайди.

3.16. ФАЙЛ ВА КАТАЛОГНИ ЎЧИРИШ


Файл ва каталогни ўчириш учун керакли файл, каталогни ёки файллар гуруҳини белгилаб, [F8] тугмачаси босилса, экранда қуйидаги тасвирдаги савол ҳосил бўлади.



Саволга жавобан “Delete” ни танлаб, [Enter] тугмачаси босилади.

- Агар “Include sub directories” режими ўрнатилса, каталоглар файллари билан бирга учиради.

- Файллар гуруҳи ўчирилганда ҳар бир файлни ўчиришдан аввал қуйидаги савол ҳосил бўлади.



Бунда, қуйидагилардан бирини танлашингиз мумкин.

Delete — жорий файлни ўчиради.

All — барча (жорий ва кейинги) файлларни ўчиради.

Skip — жорий файлни ўчирмай кейингисига ўтади.

Cancel — жорий файл ва кейингиларини ўчирмайди.

3.17. ФАЙЛНИ ТЕЗ ТОПИШ

Агар Сиз файлни тез топмоқчи бўлсангиз, [Alt] + [F7] тугмачаларини босасиз. Натижада экранда файл номи ва файлда бўлиши шарт бўлган белгилар сўралади. Бунга жавобан файл номи киритилиши зарур. “Continuing” сатрида белгилар кўрсатилади ва ОК танланади. Қидириш натижасида экранда қуйдаги тасвир ҳосил бўлади.

Find File			
C:\VIDEO			
videocd.mls	598	21.07.99	8:56
klip.mls	596	25.08.01	11:31
C:\TARIX			
tarix.mls	600	25.08.01	16:05
3 files found.			
*.mls			
Containing:			
Chdir New search Change drive View Quit FF			

Ҳосил булган руйхатдаги файллар матнини куриш учун — “View“, файл каталогига ўтиш учун — “Chdir“, жорий дискни ўзгартириш учун — “Change Drive“ танланади, режимдан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилади.

3.18. ФАЙЛ АТРИБУТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Norton Commander файл атрибутларини ўзгартириш имконига эга. Бунинг учун [F9], [F] ва [A] тугмачалари босилади.

Агар файллар гуруҳи белгиланган бўлса, уларнинг атрибутларини, акс ҳолда фақат жорий файлнинг атрибутларини ўзгартириш мумкин.

Файллар қуйидаги атрибутларга эга.

Attributes

Change file attributes for
"kl.com"

Read only

Archive

Hidden

System

[Set] [Cancel]

Read only — фақат ўқиладиган.

Archive — архивга киритилган.

Hidden — бекитилган файл.

System — системали файл.

• Керакли атрибут [Space] тугмачаси ёрдамида ўрнатилади ва "Set" да [Enter] тугмачаси босилади.

• Файллар гуруҳи учун "Set" (ўрнатиш), "Clear" (бекор қилиш) лардан бирида [Space] тугмача босилади.

3.19. ПАНЕЛДА ФАЙЛЛАРНИ ҚИСМАН КЎЗДАН КЕЧИРИШ

Файлларнинг муайян қисми билан ишлаганда панелга файлларнинг керакли қисмини чиқариш қулай. Бунинг учун [F9], [L]/[R], [F] киритилади. Натижада "Filter" буйруғининг менюси ҳосил бўлади.

Бу ерда:

All files — барча файллар.


Executable Files — бажарилувчи файллар.

Database files — маълумотлар базаси файллари.

Spreadsheets files — электрон жадвал файллари.

Word processor files — таҳрирлагичлар файллари.

Graphics files — графикли файллар.
Compressed files — архивли файллар.
Customised — ном ва кенгайтгич тусига мос файллар.



Керакли меню [Space] тугмачаси ёрдамида танланади ва [OK] тугмачаси босилади.

3.20. NC МЕНЮСИ

NC менюси ёрдамида маълумотнинг экранда қулайроқ ҳосил бўлишини таъминлаш ва иш режими ўзгартириш мумкин. Менюга кириш учун [F9] тугмачасини босиш керак. Натижада экраннинг юқори қисмида қуйидаги пунктларга эга бўлган сатр ҳосил бўлади: "LEFT", "FILES", "COMMANDS", "OPTIONS", "RIGHT". Керакли бандни [←], [↑], [→], [↓] тугмачалари орқали танлаш мумкин. [Enter] тугмачаси босилгандан кейин жорий банднинг менюси ҳосил бўлади. Керакли бандни танлаш учун [↑], [↓] дан фойдаланилиб, [Enter] тугмачаси босилади. Менюдан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилади.

ди. Куйида меню бандлари тавсифи келтирилади. Урнатилган режимлар ✓ билан белгиланади.

3.20.1. “Left“ ва “Right“ бўлимлари

“Left“ ва “Right“ бўлимлари мос равишда чап ва унг панелда маълумот чиқариш режимларини ўрна-тади. Режимни ўрнатиш ёки бекор қилиш учун уни суриш тугмачалари билан танлаб, [Enter] тугмачаси босилади.

Бунда:

Brief — панелда файллар ҳақида қисқача маълумот ҳосил бўлади (фақат файл номлари).

Full — панелда файллар ҳақида тўла маълумотлар чиқади (файлларнинг номи, ҳажми, ёзилиши ва охириги ўзгартириш муддати).

Info — панелда бошқа панелдаги каталог ва диск ҳақидаги маълумот чиқади.

Tree — панелда дискдаги каталоглар дарахтини тасвирлайди.

Quick View — панелда бошқа панелда кўрсатилган файл матни ҳосил бўлади.

Link — компьютерларни боғлаш режимини ўрна-тади ёки бекор қилади.

On/off — панел экранга чиқарилади ёки аксинча.

Name — панелдаги файллар алифбо бўйича тар-тибланади.

Extension — панелдаги файллар кенгайтгичлар алифбоси бўйича тартибланади.

Time — файллар ёзилиш муддатининг камайи-ши тартибида келтирилади.


Size — файллар ўлчамлари камайиши тартибида келтирилади.

Unsorted — панелда файллар каталогга ёзилиш тар-тибида чиқарилади.

Re-read — каталог рўйхатини қайта ўқийди.

Filter — панелга файлларни қисман чиқаради.

Drive — бошқа дискка ўтказади.



3.20.2. Менюнинг “Files” бўлими

Менюнинг “Files” бўлими файллар устида турли амаллар бажариш имконини беради. Бу амалларнинг кўпчилиги функционал тугмачаларга бириктирилган.

Help (F1) — кўрсатма олиш.

User menu (F2) — фойдаланувчи буйруқлар менюсини чиқариш.

View (F3) — файл матнини экранга чиқариш.

Edit (F4) — файл матнини таҳрир қилиш.

Copy (F5) — файл ёки файллар гуруҳи нусхасини олиш.

Renmov (F6) — файл ёки каталог номини узгартириш, файлни бошқа каталогга кўчириш.

Mkdir (F7) — каталог ташкил қилиш.

Delete (F8) — файлни, файллар гуруҳи ёки каталогни ўчириш.


File Attributes — файл атрибутларини ўрнатиш.

Select Group — файллар гуруҳини белгилаш.

Unselect Group — файллар гуруҳини ажратишни бекор қилиш.

Invert selection — файллар ажратилишини бекор қилиб, ажратилмаган файлларни ажратади.

Restore selection — ажратишни қайта ўрнатади.
Quit (F10) — NC дан чиқиш



3.20.3. Менюнинг “Commands” бўлими

Менюнинг “Commands” бўлими NCнинг қуйида-
 ги буйруқларини бажаради:

NCD tree — экранда каталоглар дарахтини ҳосил қилади.

Find file — дискда файлни қидиради.

EGA lines — экранда сатрлар сонини 25 дан 43 га ўтказди ёки аксинча.

System information — компьютер ва оператив хотира ҳақида маълумот беради.

Swap panels — NC панеллари ўрнини алмаштиради.

Panels on/off — панелни экрандан ўчиради ёки ўрнатади.

Compare directories — панеллардаги каталогларни солиштириб, фарқли файлларни ажратиб кўрсатади.

Menu file edit — фойдаланувчи менюсини таҳрир қилади.

Extension file edit — nc.ext файлини таҳрир қилади.

3.20.4. Менюнинг “Options” бўлими

“Options” бўлими NC конфигурациясини, NC ишлаш режимларини, файлларни таҳрир қилиш учун таҳрирлагич турини киритади.


Configuration — файл нухасини кўчириш, учирш, кўчириш жараёнлари саволларини урнатади ёки бекор қилади.

Compression — файлларни архивга сиқиш усуллари беради.

Auto menus — фойдаланувчи менюсидаги буйруқ бажарилгандан сўнг экранда фойдаланувчи менюсини яна чиқаради.

Path prompt — бу режимда экран пастки қисмидаги тақлиф жорий диск ва каталог ҳақидаги маълумотни, акс ҳолда фақатгина жорий диск ҳақидаги маълумотни беради.

Key bar — экраннинг охириги сатрида функцио-



нал тугмачалар вазифаси ҳақидаги кўрсатмани беради.


Full screen — NC панелларини экран улчамида ва акс ҳолда экраннинг ярми улчамида чиқаради.

Mini status — бу режимда панел пастки қисмида жорий файл ёки ажратилган файллар сони ва ҳажми ҳақидаги маълумот келтирилади.

Clock — экраннинг юқори ўнг бурчагида жорий вақтни кўрсатади.

3.20.5 NC конфигурациясини ўрнатиш

NC конфигурациясини ўрнатиш учун “Options” бўлимида “Configuration” га кириш ёки [F9], [O] ва [C] ларни киритиш керак, натижада экранда дарча ҳосил бўлади. Режимларга ўтиш учун йўналиш тугмачаларидан фойдаланилади. Режимлар [Space] тугмачаси ёрдамида ўрнатилади. Барча режимларни ўрнатгандан сўнг [Ctrl]+[Enter] тугмачаларини босиш керак ёки курсорни “OK”га келтирилиб, [Enter] тугмачаси босилади. Режимларни ўрнатишни бекор қилиш учун [Esc] тугмачаси босилади. Ўрнатилган режимни хотирада сақлаш учун [Shift]+[F9], [Enter]



тугмачалари босилади ёки “Auto save setup” режими урнатилади.

Режимлар тавсифини келтирамыз:

Экран рангини урнатиш учун “Screen Colors” хошиясида қуйидагилардан бирини танлаш керак:


Black&White — оқ қора экран учун.

Lapton — суюқ кристалли экран учун.

Color 1 — рангли экран учун.


Color 2 — рангли экран учун, ранг бошқа усулда урнатилади.

“Screen blank delay” булимидан фойдаланиб, экранни қанча вақтдан кейин тозалаш кераклигини кўрсатиш мумкин. Компьютер тугмачалари босилмаса, кўрсатилган вақтдан кейин экранда “юлдузли осмон” ҳосил бўлади. Бу экранни тез ишдан чиқишидан сақлайди. “On” режимда “Minutes”да кўрсатилган вақтдан сўнг экран тозаланади.

НСнинг бошқа режимлари чапдан  белгиси билан белгиланади.

Show hidden files — “Бекитилган” файлларни кўрсатади.

Бундай файллар номи ва кенгайтгичи орасида «тегишли» белги бўлади.



Ins moves down — [Ins] тугмачаси ёрдамида жорий файлдан кейинги файлни ажратади.

Select Directories — бу режимда [Ins] тугмачаси каталогларни ҳам ажратади ва бу каталоглар устида нусха кўчириш, ўчириш ва ҳоказо амаллар бажарилади.

Auto change directory — бу режимда панелда каталоглар дарахти қаралаётганда бошқа панелда жорий каталог рўйхати чиқарилади.

Menu bar always visible — бу режимда экраннинг юқори сатрида NC меню сатри доимо кўринади.

Auto save setup — бу режим ўрнатилган режимларни автоматик сақлаш имкониятини беради.

Left-handed mouse — бу режим “сичқонча”нинг чап ва ўнг тугмачалари вазифасини алмаштиради.

Fast mouse reset — бу режим баъзи бир компьютерларда (Масалан, IBM PS/2 да) зарур. У NC панеллари чиқишини тезлаштиради.


3.21. КАТАЛОГДАН КАТАЛОГГА ЎТИШ

NCD дастури ёрдамида дискда каталоглар рўйхатини чиқариш, бошқа каталогга ўтиш мумкин. Буйруқнинг формати:

ncd [г]

Бунда, /г — режими кўрсатилса, маълумот дискда ўқилади, акс ҳолда TREEINFO.NCD файлида ўқилади.

Агар буйруқдан аввал DS NE\ /S буйруғи берилса, дарахт алифбо тартибида чиқарилади. Керакли каталогни танлаш учун йўналиш тугмачаларидан фойдаланилади ёки клавиатурадан каталогнинг биринчи ҳарфлари киритилади. Дастурдан [Esc] тугмачани босиш орқали чиқилади. NCD дастури каталог ташкил қилиш - [F7], каталогни ўчириш-[F8], каталогни қайта номлаш [F6], бошқа дискка ўтиш - [F3], жорий каталог файлларининг рўйхатини олиш - [F4],



каталоглар дарахтини қоғозга ёки файлга кучириш - [Alt]+[P], каталог ҳақидаги маълумотни дискдан уқиш - [F2] имкониятларига эга.

3.22. ДИСКЛАР РҲҲАТИ БИЛАН ИШЛАШ

[Alt]+[F1] — чап панелда дисклар рўйхатини ҳосил қилишни таъминлайди.


[Alt]+[F2] — унғ панелда дисклар рўйхатини ҳосил қилишни таъминлайди.

Бу амалларни менюнинг “Left“ ва “Right“ булимларининг Drive буйруғи ёрдамида ҳам бажариш мумкин. Керакли диск номи танланиб, [Enter] босилганда кўрсатилган панелда кўрсатилган диск, каталог ва файллари рўйхати ҳосил бўлади. Бунда:

А ва В диск юругувчи дискет, С ёки D қаттиқ диск, Е компакт-диск маълумотларини ўқийди.

3.23. ТАҲРИРЛАГИЧНИ КЎРСАТИШ

[F4] тугмачаси босилганда қандай таҳрирлагич чиқарилишини кўрсатиш лозим. Таҳрирлагични танлаш учун [F9], [O], [E] тугмачаларини босиш, яъни ме-



нюнинг “Options” бўлимида “Editor” бандига кирилади. NC таҳрирлагичини ёки бошқа таҳрирлагични кўрсатиш мумкин. Бунда мазкур таҳрирлагични чақирувчи файл номини буйруқлар сатрида кўрсатиш керак.

[Alt] + [F4] тугмачаларини босиш натижасида альтернатив таҳрирлагич чақирилади.

3.24. Фойдаланувчи менюси

Фойдаланувчи [F2] тугмачасини босганда NC экранга фойдаланувчи менюси буйруқларини чиқаради. Суриш тугмачалари ёрдамида кераклигини танлаб, мос буйруқни [Enter] тугмача ёрдамида бажариши мумкин. Бу файлни NC таҳрирлагичида таҳрирлаш мумкин. Ёки “Commands” бўлимининг “Menu file edit” бандига кирилади. Натижада экранда савол ҳосил бўлади. Бунга жавобан “Main” — асосий ва “Local” — локал менюларнинг бири танланади. Кейин меню бандлари киритилади.

Масалан:

F2:Format a: — Дискетни форматлаш

C:\DOS\format a:

3.25. ФАЙЛНИ ДИСКДА КИДИРИШ

Файлни дискда қидириш учун filefind дастуридан фойдаланиш мумкин. Бу дастур қуйидагича умумий кўринишга эга:

filefind файлнинг номи [сатр ёки белги][режим]

Агар файл номида каталог номи кўрсатилмаган бўлса, файл барча дискларда қидирилади.

- Агар /C режими кўрсатилса, файл жорий каталогда қидирилади.

- Агар /C ва /S киритилса, файл жорий каталог ва унинг барча каталогларидан қидирилади.

- Агар бирор белги ёки сатр кўрсатилган бўлса, дастур шу белгили файлни қидиради.

- Агар белгилар сатрида бош ва кичик ҳарфлар ҳисобга олиниши зарур бўлса, /CS режими ўрнатилади. Буш жой ҳисобга олиниши учун белгилар сатри <"> билан, қавслар учун эса <'> белги билан чегараланади.

Масалан:

filefind *.txt - .txt кенгайтгичли барча файлларни топади.

filefind *.txt "Жадвал" - .txt кенгайтгичли "Жадвал"ли файлларни топади.

- Агар қидириладиган файл дискда бўлмаса, экранда No files found mathching <файлнинг номи> containing <белги ва сатр> жавоби ҳосил бўлади. Ундан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилади.


- Агар файл дискда бўлса, файллар рўйхати орасидан кераклигини танлаб, [Enter] тугмача ёрдамида матнни кўриш мумкин.

- Топилган файлга чиқиш учун [Tab] тугмача ёрдамида [Goto] га ўтиб, [Enter] тугмачаси босилади.

- Бошқа файлни топиш учун [Tab] тугмача ёрдамида файл номи, белгилар сатри кўрсатилади ва [Start] да [Enter] тугмачаси босилади.

- Топилган файллар рўйхатини [Ctrl] + [P] тугмачалари ёрдамида принтерга чиқариш мумкин.

- Дастурдан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилди.



3.26. ҶИРИЛГАН ФАЙЛНИ ТИКЛАШ

Эҳтиётсизлик натижасида ўчиб кетган файлни қайтадан тиклаш мумкин. Бундай имкониятга файлни дискдаги жойига бошқа “маълумот” ёзилмаган ҳолдагина эришиш мумкин. Файл Unerase буйруғи ёрдамида тикланади. Буйруқнинг умумий кўриниши:

Unerase [файлнинг номи]

Агар файлнинг номи кўрсатилмаса, дискдаги барча файллар тушунилади.

• Агар файлнинг номи аниқ кўрсатилса, файл тикланади.

	File	Search	Options	Help	
- Erased Files in D:\ABC\PGA					
	Name	Size	Date	Time	Prognosis
<input type="checkbox"/>	?ad_u_m	prn	8 565 007	24.09.96	18:30 poor
<input type="checkbox"/>	?ad_u_y	prn	15 223 033	8.09.96	17:45 good
<input type="checkbox"/>	?ad_u_y	prn	8 565 007	24.09.96	18:32 poor
<input type="checkbox"/>	?ad_uz	exe	238 475	8.09.96	17:57 good
<input type="checkbox"/>	?d_sm_tx	r01	24 159	17.10.96	18:00 good
<input type="checkbox"/>	?em_r_u	exe	449 431	8.09.96	17:59 good
<input type="checkbox"/>	?ext	r00	1 213 952	8.09.96	18:05 good
<input type="checkbox"/>	?k	prn	7 606 849	17.10.96	11:02 poor
<input type="checkbox"/>	?m	prn	7 606 849	17.10.96	10:58 poor
<input type="checkbox"/>	?y	prn	7 606 849	17.10.96	11:16 poor
<input type="checkbox"/>	?y	prn	7 606 849	17.10.96	11:00 poor
<input type="button" value="Info"/>		<input type="button" value="View"/>		<input type="button" value="Unerase"/>	

Ўчирилган файллар рўйхатида қуйидаги тиклаш даражалари ҳосил бўлади:

poor — файл тикланмайди;

overage — файлни тикласа бўлади;

good — файл қисман тикланади;

excellent — файл тўлиқ тикланади.

• Рўйхатдаги файлни кўриш учун — [V], файл

ҳақидаги маълумотни олиш учун — [I] ва тиклаш учун — [U] тугмачаси босилади.

- Ёки “View”, “Info” ва “UnErase” буйруқларида [Enter] тугмачаси босилади.

Файл тикланаётганда “UnErase” унинг биринчи ҳарфини сурайди. Агар ушбу номли файл булса, Сизни огоҳлантиради. Файлларни тиклаш учун улар [Space] тугмача ёрдамида тикланади. Сунгра “UnErase” буйруғида [Enter] тугмача босилади. Дастур файл номининг биринчи ҳарфини ҳар бир тикланаётган файл учун алоҳида сурайди. Агар [Space] ёки [Enter] тугмача босилса, файллар номини ўзи ўрнатади. Бунда А ёки В ва ҳоказо ҳарфлар қўйилади.

- Дастурдан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилади.

Масалан:

unerase *.txt — Жорий каталогдаги .txt кенгайтгичли файлларни тиклайди.

3.27. КОМПЬЮТЕР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Компьютер ҳақида маълумот олиш учун
Sysinfo

Буйруғини киритинг. Натижада экранда компьютер ҳақидаги маълумот ҳосил бўлади.

“Next” да [Enter] тугмачани босиш натижасида компьютер ҳақидаги турли маълумотларни олишингиз мумкин. Аввал видеосистема, локал тармоқ, дисклар, оператив хотира, қўшимча хотира, драйверлар ҳақидаги маълумотлар берилади. Кейин процессорнинг IBM PC XT га нисбатан тезлиги ҳисобланади ва autoexec.bat ва config.sys файллари матни чиқарилади.

- Маълумотларни принтерда чиқариш учун [Print] тугмачасини танлашингиз кифоя.

System Summary.

Computer

Computer Name: IBM AT or compatible
Built-in BIOS: AWARD, Monday, November 20, 1995
Main Processor: Cyrix 486, 100 MHz
Math Co-Processor: Non-Intel 80387
Video Adapter: Vesa-compatible VGA, Secondary: None
Mouse Type: Serial Mouse, Version 8.20

Disks

Hard Disks: 416M
Floppy Disks: 1.2M, 1.44M

Other Info

Bus Type: ISA (PC/AT)
Serial Ports: 2
Parallel Ports:

Memory

Dos Memory: 640K
Extended Memory: 15,360K
Expanded Memory: 15,680K

Keyboard Type: 101-Key
Operating System: DOS 6.20

• ► Next ◀ • Previous • Print

- Дастурдан чиқиш учун [Esc] тугмачаси босилди.

IV БОБ. WINDOWS ДАСТУРИ

4.1. WINDOWS ҲАҚИДАГИ БОШЛАНҒИЧ МАЪЛУМОТЛАР

WINDOWS фойдаланувчи учун қулай бўлган кўпгина имкониятларга эга бўлган дастурдир. У MS DOS имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. WINDOWS ишлаш натижасида фойдаланувчи кўпгина қулайликларга эга бўлади. Бунда файл ва каталогларнинг нусхасини олиш, кучириш, қайта номлаш, ўчириш ва ҳоказо амаллар тезда ва қулай бажарилади. Шу билан бирга, бир пайтнинг ўзида бир неча каталог билан ишлаш имкониятига эга бўлади.

Бу дастур бир пайтнинг ўзида бир неча масалаларни ечиш, ихтиёрий принтер ва дисплей билан, MS DOS дастурлари билан ишлаш имкониятига эга.

Унинг ягона интерфейси, яъни турли версиялари ва дастур иловалари билан ишлашнинг стандарт қоидаларига эгаллиги муҳимдир. Ҳозирги кунда WINDOWS миллионлаб фойдаланувчилар эътиборини ўзига жалб этди. Microsoft фирмаси WINDOWSни такомиллаштириш борасида тинмай изланиш олиб бормоқда. Шу билан бирга турли дастур иловаларининг яратилиши WINDOWSнинг имкониятларини янада оширмоқда. Бу MICROSOFT WORD, PAGE MAKER, EXCEL, COREL DRAW ва ҳоказолардир. WINDOWS 1983 йилда яратилганига қарамасдан, у биринчи бор 1985 йилнинг ноябрида сотила бошланган.

4.2. WINDOWSНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

WINDOWS операцион муҳити қуйидаги имкони-
ятларга эга.

- **Универсал графика** — WINDOWS дастурлари-
нинг қурилмаларга ва дастур таъминотига боғланиб
олмаслигини таъминлайди.

- **Ягона интерфейс** — WINDOWSда фойдаланув-
чининг мулоқоти ягона, яъни турли дастурлар би-
лан ишлаш қоидалари умумий. Шунинг учун янги
дастур билан ишлаганингизда бу қоидалардан фой-
даланишингиз мумкин.

- **Мавжуд дастур таъминоти билан мувофиқлиги** —
WINDOWS MS DOSнинг барча амалий пакетлари,
тахрирлагичлари, электрон жадваллари ишини тула
таъминлайди.

- **Кўп масалага эгаллиги** — WINDOWS бир пайт-
нинг ўзида бир неча масалани ҳисоблайди, бир дас-
турдан бошқасига ўтишни таъминлайди.

- **Маълумотлар алмашинуви** — WINDOWS дастур-
лараро маълумот алмашиш имкониятига эга. Бу мах-
сус Clipboard (маълумотлар буфери) ёки DDE (маъ-
лумотларнинг динамик алмашинуви, яъни бошқа да-
стур натижаларидан фойдаланиш), ёки OLE (маълу-
мотлардан уларни таҳрир қилган ҳолда фойдаланиш)
ёрдамида амалга оширилади.

4.3. АСОСИЙ ДАСТУРЛАР

WINDOWS қуйидаги дастурларга эга:

Task list (масалалар рўйхати) — экранда тезкор
дастурлараро алоқани таъминлайди;

Clipboard (буфер) — бир дарчадан иккинчи дарча-
га маълумотни кўчиришни, нусхасини олишни таъ-
минлайди;

Programm Manager (дастурларни бошқарувчи (ДБ))
— дастурларни бошқаришнинг енгил усуллари
ташкил қилади;

File Manager (файлларни бошқариш (ФБ)) — дис-
кда файллар ва каталоглар билан ишлашни таъмин-
лайди;

Control Panel (контрол панел (КП)) — рангни ва
шрифтни ўзгартириш, принтерни урнатиш имкони-
ни беради;

Print Manager (чоп этишни бошқариш (ПЧБ)) —
чоп этишни ташкил қилади ва амалга оширади.

4.4. WINDOWS ГА КИРИШ


WINDOWS га кириш учун DOS нинг буйруқлар
сатрига

Win


буйруғи киритилиб, [Enter] тугмачаси босилади.

Натижада, экранда аввал WINDOWSнинг тасви-
ри, кейин ПБнинг асосий файллар гуруҳи ҳосил була-
ди. ПБ дарчасининг пастки қисмида қўшимча дас-
турлар пиктограммалар шаклида тасвирланади.

WINDOWS экрани куйидаги курунишга эга була-
ди:




Бунда:
 А — "Ярлык"лар
 Б — Буйруқлар панели
 Буйруқлар панели қуйидаги қисмлардан ташкил
 топади:



Бунда:
 А — Дастурларнинг юклаш тугмачаси.
 Б — айна пайтда буйруқлар панелига туширил-
 ган, фойдаланилаётган дастурлар.
 В — Шриффт тилини кўрсатувчи (ёки узгартирув-
 чи) индикатор.
 Г — Товуш созлагич.
 Д — Вақт кўрсаткичи.

4.4.1. Дастурларни юклаш

Дастурни юклаш учун дастлаб «Пуск» тугмачаси
 босилади.




Масалан, WordPad дастурини ишга тушириш кетма-кетлигини келтирайлик:

«Пуск» тугмачаси босилгандан сунг ҳосил булган менюнинг «Программы» бўлимини танланг.


Кўпгина WINDOWS таркибига кирувчи дастурлар «стандартные» гуруҳида жойлашган булади. «Стандартные» бўлимини танланг.

WordPad матн муҳарририни юклаш учун уни менюдан танланг.

Бу матн муҳаррири турли маълумотларни кириштида қўлланади.



WordPadдан чиқиш учун дарчани ёпиш тугмачасидан фойдаланинг.




Мустаҳкамлаш учун машқ


Paint график муҳарририни ишга туширинг ва ундан чиқинг (Тартиби юқоридаги кетма-кетликда бажарилади).

4.4.2. Буйруқлар панели билан ишлаш


Жорий дарчадан бошқасига ўтиш, яъни бир пайтнинг ўзида бир неча дастур билан ишлаш — WINDOWSнинг алоҳида хусусиятидир. Буни мисол ёрдамида кўриб чиқайлик.



Экранда WordPad ва Paint муҳаррирларида киритилаётган ҳужжатлар ифодаланган иккита дарча турибди. Жорий ойна (устидаги) Paint бўлсин. Word Padга ўтиш учун буйруқлар панелидаги WordPad тугмачаси босилади.




Расмга қайтиш учун Paint тугмачасини босинг.
Баъзан жорий дастурни ёпмасдан вақтинча эк-
рандан олиб қўйишга тўғри келади. Бунинг учун
«свернут окно» тугмачаси босилади.




4.4.3. Шрифт тилини ўзгартириш

Клавиатура орқали критилаётган жорий шрифт тилини кўрсатиб турувчи индикатор **Ru** ёрдамида уни ўзгартириш ёки клавиатура тугмаларига алмаштириш вазифасини белгилаш мумкин.




4.4.4. Товуш созлагич

Мультимедиа ёрдамида уқиладиган товушли дастурларнинг товуш параметрларини ўзгартириш ва урнатишда фойдаланилади.



4.4.5. Вақт кўрсаткичи

Бу кўрсаткич жорий вақтни, агар “сичқонча” белгисини вақт кўрсаткичига келтирилса, жорий сана ни кўрсатиб туради. Жорий вақт/сана ни ўзгартириш учун вақт кўрсаткичи устида сичқончанинг унг тугмачаси босилади. Ҳосил бўлган панелдан “Настройка даты и времени” бўлими танланади. Натижада экранда “Свойства: Дата/время” панели ҳосил бўлади.



Бу панелда йил, ой, кун, соат, минут ва секундлар узгартирилгач, «ОК» босилади.


4.5. WINDOWSДАН ЧИҚИШ

WINDOWS дан бир неча усулда чиқиш мумкин:

- Компьютерни учириш;
- Компьютерни қайта ишга тушириш;
- Қайта ишга тушириш орқали MS DOS га ўтиш;
- Системага бошқа ном билан кириш.

WINDOWS дан чиқишдан олдин:

- Ишлаётган дастурингиздан чиқинг.
- «Пуск» тугмачасини босинг.
- «Звершение работы» тугмачасини босинг.
- Ҳосил булган панелда керакли бўлимга белги қўйинг.
- “ОК” тугмачасини босинг.



Ишлаётган дастурдан чиққандан сўнг [Alt] + [F4] тугмачалар мажмуини босиш орқали ҳам бу панелни ҳосил қилиш мумкин.

4.6. WINDOWSНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

4.6.1. Дастур дарчаси

WINDOWS да экран “desktop” деб аталади. Барча амаллар унда бажарилади. WINDOWS сўзининг маъ-

- Дарча номи — унинг турига боғлиқ бўлиб, дастур ёки ҳужжат номи, гуруҳ, каталог номидан иборат бўлиши мумкин. Агар ҳужжат хотирага ёзилмаган бўлса, одатда унда “untitled” (номсиз) ёки Документ (номер) ёзуви туради.

- Меню сатрида мавжуд меню рўйхати келтирилади. Одатда дастурлар File (Файл), Edit (Правка), Help (Справка) ва бошқа махсус менюларга эга бўлади.

- **Асбоблар панели** — жорий дастурнинг бирор буйруғини бажарувчи махсус тугмачалар мажмуи.


- Жорий дарчани буйруқлар сатрига жойлаш тугмачаси билан юқорида танишдик.

- Дарчани катталаштириш ёки кичиклаштириш тугмачаси ёрдамида жорий дарча ўлчамини катталаштириш ёки кичиклаштириш мумкин.

- Вертикал ўтказгич ёки горизонтал ўтказгич ҳужжатнинг дарчага сиғмаган қисмларини кўриш имкониятини беради.

- Ишчи майдон — ҳужжат матни киритиладиган майдон.

- Дарчани ёпиш тугмачаси ёрдамида жорий дастурдан чиқиш мумкин. Агар жорий дастурда ҳужжат сақланмаган бўлса, огоҳлантирувчи мулоқот дарчаси ҳосил бўлади.



Бунда “Да” — ҳужжатни сақлаб чиқиш, “Нет” — ҳужжатни сақламасдан чиқиш, “Отмена” — дастурдан чиқмасликдир.

4.7. МУЛОҚОТ ДАРЧАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

WINDOWS ишлаш жараёнида мулоқот учун мулоқот дарчаларидан фойдаланади. Мулоқот дарчалари бирор параметрнинг қиймати ёки буйруқ ҳақидаги қўшимча маълумот сўралганда ҳосил бўлади.

Масалан:

File (Файл) менюсида Open (открыть) ни танлаш сангиз, мулоқот дарчасида очилиши зарур бўлган файлнинг номи сўралади.

Бундан ташқари WINDOWS мулоқот дарчаси ёрдамида Сизни буйруқнинг бажарилмаслиги ёки бунинг сабаблари ҳақида огоҳлантиради.

- Мулоқот дарчасида керакли жавобни “сичқонча” билан танлаш мумкин. Ёки [Tab] ва [Shift] + [Tab] тугмачаларидан фойдаланилади.

- Мулоқот дарчасини бекор қилиш учун [Esc] ёки тугмачасида “сичқонча”нинг чап тугмаси босилади.

4.8. ДАРЧАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

- Дарчанинг жойини ўзгартириш учун сарлавҳа сатрида “сичқонча” тугмачасини босган ҳолда янги жойга келтирилади. Дарча керакли жойга жойлашганда, “сичқонча” тугмачаси қўйиб юборилади.

- Керакли дарчани топиш учун [Alt] + [Esc] (ёки [Alt] + [Tab]) ва ҳужжатлар учун [Ctrl] + [F6] (ёки [Ctrl] + [Tab]) тугмачаларидан фойдаланишингиз мумкин.

- Дарчани экранга тўлиқ ёйиш учун катталаштириш ёки кичиклаштириш тугмачаси 1 дан фойдаланилади. Агар бу тугмачада 2 белгиси бўлса, дарчани экранга ёйиб бўлмайди. 2 белги бўлган ҳолатда босилса, ҳужжат аввалги ҳолатга қайтади.

- Дарчани буйруқлар сатрига жойлаш учун “свернуть” тугмачаси босилади (бу ҳақда юқорида расмли изоҳ берилган).

4.9. ДАРЧА ЎЛЧАМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Дарча улчамини “сичқонча” ёрдамида қуйидагича тартибда ўзгартириш мумкин:

- Улчами ўзгартирилиши зарур бўлган дарчани танланг. Бунинг учун “сичқонча” тугмачасини дарчанинг ихтиёрий жойида босинг.

- “Сичқонча” белгисини ўзгартирилиши зарур бўлган бурчак ёки ҳошияга келтиринг.

- “Сичқонча” тугмачасини босган ҳолда бурчакни керакли улчамгача суринг.

- “Сичқонча” тугмачасини қуйиб юборинг.

Дарча улчамини клавиатура ёрдамида қуйидагича тартибда ўзгартириш мумкин:

- Улчами ўзгартирилиши зарур бўлган дарчани [Alt] + [Esc] тугмачалари ёрдамида танланг. (Хужжат дарчаси учун [Ctrl] + [F6] (ёки [Ctrl] + [Tab]).)

- Системали менюни [Alt] + [Space] тугмачалари ёрдамида очинг.

- Size (Размер) менюсини танланг.

- Йўналиш тугмачалари ёрдамида дарчани керакли улчамга суринг.

- [Enter] тугмачасини босинг.

4.10. ДАРЧАНИ ЁПИШ

Дастур дарчасидан фақатгина дарчани ёпгандан сўнг чиқиш мумкин.

- Дарчани ёпиш учун унинг меню сатридаги File (Файл) менюсида Exit (дастур дарчасини ёпиш “Выход”, хужжат дарчасини ёпиш учун “Закреть”) буйруғини танланг.

- Ёки “сичқонча” ёрдамида “X” тугмачасини босинг.

4.11. МЕНЮ БИЛАН ИШЛАШ

WINDOWS буйруқлари менюларда қайд этилади.

Ҳар бир дастур узининг менюсига эга. Меню билан ишлаш тартиблари барча дастурлар учун ягона.

- Менюга кириш учун курсорни керакли бандга келтириб, “сичқонча” тугмачаси босилади. Натижада бандга мос буйруқлар руйхати ҳосил бўлади.

- Менюдаги бирор банднинг буйругини танлаш учун, “сичқонча” белгисини унга келтириб, тугмачани босиш зарур. Ёки банднинг белгиланган ҳарфини клавиатурадан териш керак.

- Тугмачалар ёрдамида менюга кириш учун аввал [Alt] тугмачаси босилади, йуналиш тугмачалари ёрдамида кераклиси танланиб, [Enter] тугмачаси босилади.

- Менюдан чиқиш учун меню номида ёки менюдан ташқари ихтиёрий жойда “сичқонча” тугмачасини босинг.

- Ёки [Alt] ва [F10] тугмачаларидан бирини босинг.

WINDOWS да барча дастурларнинг меню ёзувлари белгиланган қоидага амал қилади.

Ёзув тартиби	Ёзув мазмуни
Буйруғ хирарок қуринишда	Айни пайтда бу буйруқни бажариб бўлмади.
Буйруқдан кейин <...> жойлашган	Бу буйруққа жавобан зарурий параметрларнинг қийматлари сўралади.
Буйруқдан кейин жойлашган учбурчак « ► »	Бу буйруқдан сунг яна меню ҳосил бўлади.
Буйруқдан чаптаги « ✓ » белгиси	Айни пайтда бажарилаётган буйруқни белгилайди.
Буйруқдан чаптаги (•) белгиси	Айни пайтда бажарилаётган альтернатив режимлардан бири

4.12. СИСТЕМАЛИ МЕНЮДАН ФЙДАЛАНИШ

Дастур ва ҳужжат дарчалари системали менюга эга.

- Системали менюни очиш учун юқори чап бурчакдаги тугмачада “сичқонча“ босилиши зарур.
- Ёки клавиатурадан [Alt] +[Space] тугмачалари киритилади.
- Системали меню [Alt] тугмачаси ёрдамида ёпилади.

тупроқларнинг таркиби бир неча хил туздан иборат бўлса, уларнинг ўсимликка заҳарлилик таъсири кам бўлади. Бу ҳодисага тузларнинг онтогониэми дейилади. Бунга кимёвий реакция сабаб бўлади.

$$\text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{CaSO}_4 \rightleftharpoons \text{Na}_2\text{SO}_4 + \text{CaCO}_3$$

Шўрланган тупроқлар шўрланиш даражасига қараб 5 гуруҳга бўлинади. Гуруҳларга бўлишда тузларнинг умумий миқдори ва хлор ҳисобга олинади (3-жадвал).

Шўрланган тупроқлар таркибидаги ионларнинг миқдорига қараб бир неча хилга бўлинади (4-жадвал).

3.Тупроқларнинг шўрланиш даражаси

Тупроқлар	Тупроқ таркибидаги умумий тузлар, %	
	Умумий тузлар (қуруқ ҳолатда)	Хлор
Шўрланмаган	<0,3	<0,02
Кучсиз шўрланган	0,3-0,5	0,02-0,04
Ўртача шўрланган	0,5-1,0	0,04-0,1
Кучли шўрланган	1,0-2,0	0,1-0,2
Шўрхоқлар	>2	>0,1

4.13. СИСТЕМАЛИ МЕНЮНИНГ БУЙРУҚЛАРИ

Системали меню асосан дарчанинг ўлчамларини ўзгартириш, ёпиш, жойини ўзгартириш каби вази-фаларни бажаради. Системали меню буйруқлари “сичқонча“ ёрдамида, ёки [й],[к] тугмачалари ёрда-мида танланади.

Қуйида буйруқлар тавсифини келтираимиз.

Буйрук	Буйрук мазмуни
Restore (Восстановить)	Дарчани аввалги ҳолатига қайтаради.
Move (Переместить)	Клавиатура ёрдамида дарчани экраннинг ихтиёрий қисмига кучиради.
Size (Размер)	Клавиатура ёрдамида дарча ўлчамларини ўзгартиради.
Minimize (свернуть)	Дарчани пиктограммага кичрайтиради.
Maximize (Развернуть)	Дарчани максимал ўлчамгача катталаштиради.
Close (Закреть)	Дарчани ёпади.

4.14. ДАСТУРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Дастурлар бошқарувчиси Windows дастурларининг ишини бошқаради. Яъни дастурларни ишга туширади ва зарур ҳолда уларнинг ишини тўхтатади ёки ундан чиқади, дастурларни гуруҳларга бириктиради. Дастурлар бошқарувчисини Windowsнинг муҳити деб атаса бўлади.

Дастурларни ишга тушириш учун унга мос пиктограммада “сичқонча” тугмачаси икки марта босилади. Бошқа дастурга ўтиш учун унга мос дарчанинг ихтиёрий жойида “сичқонча” тугмачаси босилади ва керакли дастурга ўтилади.

4.15. ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ


File Manager (проводник) файллар билан ишлайди. У файлларни ва каталоглар нусхасини кучириш,

учириш, қайта номлаш, диск руйхатини экранга чиқариш каби имкониятларга эга. Дискетларни форматлаш, нухасини кўчириш билан бирга графикли интерфейсга ҳам эгадир.


4.15.1. Файллар бошқарувчисини ишга тушириш

Файллар бошқарувчиси (проводник) га кириш учун қуйидаги кетма-кетликдан фойдаланиш мумкин:

- “Пуск” тугмачаси босилади.
- Ҳосил бўлган дарчада “Программы” бўлими танланади.



- Ҳосил бўлган дарчада “Проводник” (ёки “Стандартные” — “Проводник”) устида “сичқонча”нинг чап тугмачаси босилади ва файллар бошқарувчисининг дарчаси ҳосил бўлади.



4.15.2. Файллар бошқарувчисининг дарчаси

Дарчанинг ички қисмида бир неча панел булиши мумкин. Бу панелларда дискдаги каталоглар дарахти, файллар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Дарчанинг ҳам пастки қисмида чапда — ажратилган файллар ёки дискдаги бўш жой ҳақидаги маълумот, унга — жорий каталог, файллар, уларнинг ҳажми ҳақидаги маълумот берилди.

Файллар бошқарувчисининг панеллари диск ва каталог ҳақидаги маълумотларга эга. Панелларни дарчалар каби жойини алмаштириш ёки улчамини ўзгартириш мумкин.

Панелнинг юқори қисмида сарлавҳа, меню сатри, дисклар рўйхати, асбоблар панели жойлашди. Панел икки қисмга бўлинади. Чапда жорий дискнинг каталоглар дарахти тасвирланади. Унга жорий каталогдаги файллар рўйхати тасвирланади.

- Windows бир пайтнинг узида зарур бўлган бир неча панелни очиш имкониятига эга.
- Панелда дискнинг рўйхатини очиш учун “сич-

қонча” тугмачасини панелдаги дискнинг пиктограммасида 2 марта босиш керак.

- Панелни ёпиш учун системали меню белгисида 2 марта “сичқонча” тугмачасини ёки [Alt]+[F4] тугмачаларини биргаликда босиш керак.

Панелларни ажратиб турувчи чизиқни қуриш учун “сичқонча” белгисини чегарада жойлаштириб, унинг чап тугмачасини босган ҳолда чизиқни керакли жойга ўтказиш лозим.

4.15.3. Файл белгилари

Файллар бошқарувчиси панелида файллар ҳақида маълумот чиқарилганда ҳар бир файлнинг белгиси бўлади. Масалан:



— Жорий каталог ичидаги каталог хатнинг бошида алифбо тартибида каталоглар ва кейин файллар келтирилади. “Сичқонча” тугмаси белгида 2 марта босилса, каталог ҳақидаги маълумот берилади.



— Бирор дастурни ишга туширувчи, бажарилувчи файл. Бу exe, com ва bat кенгайтгичли файллар. “Сичқонча” тугмачаси 2 марта босилиши натижасида дастур ишга туширилади.



— Бирор дастур томонидан ишланувчи файл. Унда “сичқонча” тугмачасининг 2 марта босилиши мос дастурни ишга туширади.



— Одатдаги, бажарилиши мумкин бўлмаган ва ҳимоясиз файллар.

4.15.4. Файлларни ажратиш

Norton Commander каби файллар бошқарувчиси ҳам панелдаги файллар ва каталогларнинг нусхасини қучириш, жойини ўзгартириш, ўчириш имкониятига эга.


Бунинг учун аввал уларни ажратиш зарур.

- Битта файлни ажратиш учун файл белгисиди “сичқонча” тугмачаси бир марта босилади. Клавиатурадаги йуналиш тугмачаларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Бир неча файлни ажратиш куйидагича бажарилади:

- Аввал биринчи файлни белгилаб, кейин [Ctrl] тугмачасини босган ҳолда кетма-кет қолган файлларда “сичқонча” тугмачасини босинг.

- Кетма-кет жойлашган файллар гуруҳини белгилаш учун аввал гуруҳнинг биринчи файлини белгилаб, кейин [Shift] тугмачани босган ҳолда гуруҳнинг охири файлини белгиланг.



- Ажратилган файлларга панелда кетма-кет жойлашган файллар гуруҳини қушиш учун [Ctrl] ни босган ҳолда гуруҳнинг биринчи файлида “сичқонча” тугмачаси босилади. Кейин [Shift] тугмачаси ҳам босилиб, охири файл белгиланади.

- Каталогнинг барча файлларини белгилаш учун [Ctrl] + [F] тугмачалари босилади.


• Ажратишни бекор қилиш учун [Ctrl] тугмачани босган ҳолда, “сичқонча” тугмачаси файл номида босилади.

• Файллар гуруҳи белгиланишини бекор қилиш учун файллар рўйхати бошидаги белгида “сичқонча” тугмачаси босилади.

4.15.5. Файллардан нусха кўчириш


Файл ёки файллар гуруҳи нусхасини кўчириш қуйидагича бажарилади:



• [Ctrl] тугмачасини босган ҳолда нусхаси кўчирилаётган файлда “сичқонча” чап тугмачасини босинг ва “сичқонча” белгисини кўчириш жойига келтириб, “сичқонча” тугмачаси ва [Ctrl] тугмачасини қўйиб юборинг.



Файлни кўчираётганингизда “сичқонча” белгисига белгиси қўшилади. Агар бир неча файл кўчирилаётган бўлса, белгиси ҳосил бўлади. Бу амалнинг тўғри бажарилаётганини тасдиқлайди. «+» белгиси нусха кўчирилаётганлигини англатади. Нусха кўчирилаётганда экранда юқоридаги дарча ҳосил бўлади.



Агар кўчирилаётган файл кўчирилаётган каталогда мавжуд бўлса, бундан огоҳлантирувчи мулоқот дарчаси ҳосил бўлади:



• Файл нусхасини Файллар бошқарувчисининг асбоблар панелидаги  тугмачаси орқали олиб, керакли каталогга  тугмачаси орқали ўрнатиш ҳам мумкин. Ёки керакли файл устида “сичқонча”нинг ўнг тугмачаси босилганда ҳосил бўлган дарчадан “Копировать” буйруғи орқали файл нусхаси олиниб, “Вставить” буйруғи ёрдамида ўрнатиш мумкин.

4.15.6. Файлларни кўчириб ўтиш


Файлларни кўчириш нусха кўчириб ўтиш амали каби бажарилади. Фақатгина бунда [Ctrl] тугмачасини босмаслик керак. Бунда “сичқонча” белгисига белгиси қўшилади, бу битта файл учун. Файллар гуруҳи учун .

Файлларни кўчириб ўтиш файллар бошқарувчисининг асбоблар панелида   тугмачалар ёрдамида бажарилади.

4.15.7. Файлларни ўчириш

• Файлни ёки файллар гуруҳини ўчириш учун


уларни белгилаб, [Delete] тугмачаси босилади. Экранда қуйидаги савол ҳосил бўлади:



Тасдиқ учун «Да»ни, учирини бекор қилиш учун «Нет»ни босилади. Натижада файллар «корзина»га утказилади (агар файл корзинада ёки дискетда бўлса, бутунлай учирилади).


4.15.8. Файлни қайта номлаш

Файл ёки файллар гуруҳини қайта номлаш учун файллар бошқарувчисидаги «Файл» менюсидан «Переименовать» (Rename) буйруғини танланг. Натижада файл номи устига ҳарфли-рақамли курсор тушиб, файл номини ўзгартириш мумкин бўлади:



4.15.9. Файл атрибутларини ўзгартириш

- Файл ёки файллар гуруҳи атрибутларини ўзгартириш учун улар ажратилиб, [Alt] + [Enter] тугмачалари босилади.
- Ёки Файллар бошқарувчиси “Файл” менюсининг “Свойства” буйруғидан фойдаланилади. Натижада экранда қуйидаги савол (мулоқот дарчаси) ҳосил бўлади:



- Бунда, белгиси билан ўрнатилган, белгиси билан ўрнатилмаган атрибутлар белгиланган. Файлларнинг қуйидаги атрибутлари мавжуд:
 - Read only** — фақат ўқиладиган.
 - Archive** — архивга киритилган.
 - Hidden** — бекитилган файл.
 - System** — системали файл.
- Атрибутларни ўзгартириш учун “сичқонча” тугмачаси мос атрибутларда босилади (“ўрнатилган” белгиси қўйилади) ва ОК танланади.

4.15.10. Windowsда каталоглар

Файллар бошқарувчисида каталоглар дарахти

расмдагидек кўринишда бўлиб, каталогларнинг чап томонидаги белгилар қуйидаги маънони билдиради:
+ каталог очилиши мумкин бўлган каталогларга эга.

— каталог очилган (қисм каталоглар кўриниб турибди).


Бу икки белги бўлмаса, каталог қисм каталогларга эга эмас деган маънони тушуниш мумкин.

Каталог қисм каталогларини кўриш учун “+” белгисидан, бекор қилиш учун “-” белгисидан “сичқонча” тугмачаси босилади.

4.15.11. Каталог ташкил этиш

Каталог қуйидаги тартибда ташкил этилади:

- Файл менюсидан “Создать” буйруғи ва “Папка” бўлимини танланг. Натижада файллар бошқарувчиси панелида янги каталог ташкил бўлади ва бу каталогга ном киритиш зарур бўлади. Каталог номини




клавиатурадан териб, [Enter] тугмачаси босилади. Каталог ташкил этилгандан кейин унга нусха кучириш ёрдамида файлларни кучириш мумкин:

4.15.12. Каталоглар билан ишлаш

- Каталогларнинг нусхасини кучириш, қайта номлаш, кучириб ўтиш ва ўчириш амаллари ҳам файллар сингари бажарилади.


Каталог ўчириляётганда Файллар бошқарувчиси Сиздан каталогдаги файлларни ўчиришга рухсат сўрайди.





Мулоқот дарчасига жавоб: Да—тасдиқ учун ёки Нет—бекор қилиш учун бўлиши мумкин.


4.15.13. Бошқа дискка ўтиш

- Бошқа дискка ўтиш учун панелнинг юқори қисмида керакли диск пиктограммасида “сичқонча” тугмачаси босилади. Агар чап томондаги «+» белгисида босилса, дискдаги каталогнинг тулиқ дарахти ҳосил бўлади.

- Дарахтни тулиқ кўриш учун [*] тугмачаси босилади. Асбоблар панелидаги  тугмачаси ёрдамида туб каталогга қайтиш мумкин.



4.15.14. Файлларни топиш

Файлни тез топиш учун буйруқлар сатридаги «Пуск» тугмачаси босилади ва ҳосил булган руйхатдан « Поиск» — « Файлы и папки...» буйруқлари танланади. Натижада экранда мулоқот дарчаси ҳосил бўлиб, бу дарчада қидирилаётган файл ёки файлининг белгилари курсатилади:




Қидириш натижаси дарчанинг пастки қисмида ҳосил бўлиб, керакли файлни танлаш «сичқонча» тугмачасини 2 марта босиш ёки ўнг тугмачаси босилганда ҳосил булган руйхатдан «Открыть» буйруғини танлаш орқали файлни экранда очиш мумкин.

Файлни уни ташкил қилувчи матн қисмига ёки ҳажмига кўра ҳам қидириш мумкин. Бунинг учун «Найти:...» мулоқот дарчасининг «Допольнительно» бўлимини танланг. «Искать текст» сатрида қидирилаётган файлга тегишли матнни курсатинг. «Размер»



«Сервис» дарчасида дискетдаги турли камчиликларни текшириш (Scandisk ёрдамида дискни текшириш) мумкин.



V БОБ. МАТНЛАРНИ ТАҲРИР ҚИЛИШ


Шахсий компьютердан фойдаланувчиларда турли ҳужжат ва матнларни тайёрлаш эҳтиёжи туғилиши табиий. Шахсий компьютерларнинг бу ишга жалб қилиниши фойдаланувчи учун кўпгина қулайликлар яратди ва ҳужжатларнинг сифатини оширди. Фойдаланувчи ҳужжатни киритиб, уни экранда хоҳлаганча узгартириб, макетини ҳосил қилади. Принтер бу макетнинг нусхасини қоғозга кўчириб беради. Бу қулайликларни матн таҳрирлагичлари деб аталувчи махсус дастуралар беради. Мазкур дастурлар имкониятларига қараб, қуйидаги турларга бўлинади.


- Матн таҳрирлагичлари.
- Ҳужжат таҳрирлагичлари.
- Матбуот системалари.

Матн таҳрирлагичлари дастур матнларини киритиш, узгартириш, кўчириш, нусхасини қоғозга кўчириш каби имкониятларга эга. Улар дастурлаш системалари таркибида бўлади. Масалан, Turbo C, Turbo Paskal каби дастурлар.

Ҳужжат таҳрирлагичлари ҳужжатларни таҳрирлаш, турли шрифтлардан фойдаланиш, сатрлар орасидаги интервални ўрнатиш, саҳифалаш, формулаларни ёзиш, жадвал, диаграммаларни ташкил қилиш ва ҳоказо имкониятларга эга. Бу таҳрирлагичларга Лексикон, Chiwriter, WD, Microsoft Word ва ҳоказолар мисол бўла олади.

5.1. WORD ТАХРИРЛАГИЧИ ЁРДАМИДА МАТНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Word тахрирлагичи Microsoft фирмасининг маҳсулотидир. Бу тахрирлагич Windows муҳитида ишлайди. Word тахрирлагичига кириш учун буйруқлар сатридаги «Пуск» тугмачаси босилади. Ҳосил бўлган рўйхатдан «Программы» — « Microsoft Word» кетма-кетлиги киритилади. Ёки Word ёрлиги устида “сичқонча” тугмачаси икки марта босилади. Натижада экранда Word нинг дастур дарчаси ҳосил бўлади. Word нинг экран элементлари қуйидагича:



5.1.1. Microsoft Word дастур дарчаси элементлари

А — Линейка — ишчи майдон чегарасини белгилайди.

Б — Сарлавҳа сатри — жорий ҳужжат ва дастур номи.

В — Воситалар панели — буйруқ тугмачалар мажмуи.

Г — Ҳарфли-рақамли курсор — айни вақтда матн киритилаётган позицияни кўрсатади.

Д — Вертикал ва горизонтал утказгич — ҳужжатнинг дарчага сигмаган қисмларини кўриш имкониятини беради.

Е — Маълумот сатри — бажарилаётган буйруқлар, воситалар панели тугмачалари, курсорнинг жойлашиш ҳолати ҳақида маълумот беради.

Ж — Меню сатри — 9 бўлимдан иборат буйруқлар мажмуи.

Дастур дарчаси ва ҳужжат дарчаси элементлари билан биз юқорида танишдик. Қуйида меню буйруқлари тавсифини келтирамиз. Word менюси қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

5.1.2. WORD МЕНЮСИ

5.1.2.1. Менюнинг “файл” бўлими

“Файл” менюси буйруқлари

Создать — янги ҳужжат яратиш.

Открыть — файлларни дискдан уқиш.

Закрыть — жорий ҳужжатни ёпиш.

Сохранить — жорий ҳужжатни аввалги ном билан сақлаш.

Сохранить как... — жорий ҳужжатни бошқа ном билан сақлаш.

Версии — ҳужжатнинг бир неча хил версиялари билан битта файлда ишлаш.


Параметры страницы — саҳифа параметрларини урнатади.

Предварительный просмотр — жорий ҳужжатнинг саҳифаларда жойлашиш ҳолатини олдиндан кўриш.


Печать — жорий саҳифани принтерга юклаш.

Отправить — жорий ҳужжатни электрон почта, факс ва бошқа маршрутлар буйича жўнатиш.

Свойства — жорий ҳужжат ҳақида маълумот олиш.
Выход — дастурдан чиқиш.



5.1.2.2. Менюинг "правка" бўлими



“Правка” менюси буйруклари

Отменить — берилган буйруқни бекор қилиш.

Повторить — бекор қилинган буйруқни қайтариш.

Вырезать — белгиланган қисмни буферга олиш.

Копировать — белгиланган қисм нухасини буферга олиш.

Вставить — буфердаги қисмни курсор турган жойга қуйиш.

Специальная вставка — буфердаги қисмни Word объекти сифатида қуйиш.

Очистить — курсор турган ёки белгиланган қисмни учириш.


Выделить все — бутун жорий ҳужжатни белгилаш.

Найти — жорий ҳужжатдан кўрсатилган жумлани қидириш.

Заменить — кўрсатилган жумлани бошқасига алмаштириш.

Перейти — жорий ҳужжатнинг кўрсатилган қисмига утиш.

5.1.2.3. Менюнинг “вид” бўлими



“Вид” менюси буйруқлари

Обычный — жорий ҳужжатнинг нормал кўриниши.

Электронный документ, Структура — жорий ҳужжатни тузилиш схемаси бўйича таҳрир қилиш учун осон ҳолатга ўтказиш.

Разметка страницы — ҳужжатни саҳифаланган кўринишга келтириш.

Главный документ — асосий ҳужжат ва ҳужжат шаклини қайта боғлаш.

Панели инструментов — воситалар панели элементларини ўрнатиш ёки олиб қўйиш.

Линейка — чизгични ўрнатиш ёки олиб қўйиш.

Схема документа — ҳужжатнинг схематик кўринишини таъминлаш.

Колонтитулы — ҳужжат саҳифалари учун изоҳ сатрларини ўрнатиш.


Сноски — сўз ёки жумлага тагсўз киритиш.

Примечание — позицияга ўрнатилган изоҳнинг кўринишини таъминлайди.

Во весь экран — жорий дарчани бутун экранга ёйиш ёки аксинча.

Масштаб — экраннинг кўриниш масштабини белгилайди.


5.1.2.4. Менюнинг “Вставка” бўлими



“Вставка” менюси буйруқлари


Разрыв — курсорни ёки курсордан кейинги белгиларни навбатдаги саҳифа ёки устунга утказиш.

Нумерация страниц — саҳифаларни номерлаш.




Бунда «Положение» сатрида бет рақамининг юқоридан ёки пастдан ўрнатилиши кўрсатилади. «Выравнивание» сатрида чап, ўнг, марказ, ички ёки ташқи рақамлаш кўрсатилади. «Формат» тугмачаси ёрдамида номер формати кўрсатилади. «Номер на первой странице» ёрдамида ҳужжатни биринчи бетидан номерлаш ёки номерламаслик белгиланади ва ОК босилади.

Дата и время — жорий вақтни кўрсатилган жойга кўрсатилган форматда қўйиш.




Автотекст — белгиланган маттни автоматик ўрнатиладиган матн сифатида ташкил қилиш ёки автотекстларни ўрнатиш.




Поле — матн майдонини ўрнатиш.

Символ — клавиатура белгилари ёки клавиатура-да мавжуд бўлмаган белгиларни ўрнатиш, махсус белгиларни қўйиш ёки клавиатура тугмачаларига ўрнатиш.




Примечание — курсор турган позициядан махсус изоҳ ўрнатиш.


Сноска — курсор турган сўз, жумла ёки цитата учун рақамли тагсўз (сноска) қўйиш.



Название — расм, жадвал ёки формулани автоматик тарзда (махсус) номлаш.



Перекрестная ссылка — Word объектлари учун махсус мундарижа тайёрлаш.



Оглавление и указатели — махсус ҳолатдаги шриф-
тда ёзилган матн қисмлари (масалан, мавзулар, боб
номлари, параграфлар) учун махсус мундарижа ҳосил
қилиш.





Рисунок — Wordга объектлар (масалан, Clip Art —
тайёр расмлар, Word Art — махсус шрифтлар) ўрна-
тиш.




Надпись — матнли кадр ўрнатиш.

Файл — жорий ҳужжатга курсатилган файл мат-
нини ўрнатиш.

Объект — ҳужжатнинг жорий позициясига мах-
сус Word объектларини ўрнатиш.


Закладка — белгиланган матн қисми, расм, объект-
лар учун махсус “закладка” ташкил қилиш.

5.1.2.5. Менюнинг “Формат” бўлими




“Формат” менюси буйруқлари


Шрифт — белгиланган ёки киритилаётган матн шрифтининг ҳолати, тури, ўлчами ва бошқа турли хусусият-ларини ўрнатиш, ўзгартириш имкониятини беради. Шрифт интервалларини белгилайди.





Абзац — жорий ёки белгиланган абзац учун сатр-даги, саҳифадаги жойлашиш ҳолати, сатрлар ораси-даги масофа, абзац чекиниши каби абзац параметр-ларини ўрнатади.



Список — жорий ёки белгиланган абзац бошидан ўрнатиладиган махсус белгиларни (маркерлар)ни, автоматик номерлаш форматини белгилайди ва кўрсатилган форматда ўрнатишни таъминлайди. Ҳосил бўлган мулоқот дарчасида *“Изменить”* тугмачаси ёрдамида бошқа форматдаги маркерни танлаш мумкин.




Границы и заливка — белгиланган матн, объект учун рамка турларини белгилайди ва ўрнатади. Саҳифа рамкасини турли (масалан, нақш кўринишидаги) кўринишларда ўрнатади. Кўрсатилган рангда фон кўяди.




Агар расм ва объектлар белгиланган бўлса, уларнинг улчами, саҳифаларда жойлашиш ҳолати, бошқа объектларга нисбатан жойлашуви каби параметрларни ўрнатиш мумкин.


Колонки — жорий ҳужжатни бир неча устунда курсатилган форматда бўлади. Курсатилган устунларнинг улчамини белгилайди.




Табуляция — табуляция формати позициясини белгилайди.



Буквица — белгиланган матн ёки жорий абзацнинг биринчи ҳарфини катталаштирилган махсус шрифтда ҳосил қилади. Унинг ҳосил бўлиш формани белгилайди.




Направление текста — жадвал ёки матнли кадрларда матннинг ёзилиш (вертикал, горизонтал) тартибини белгилайди.



Регистр — белгиланган матн шрифтларининг регистрини белгилайди.


Как в предложениях — гапда келиш урнига қараб бош ёки кичик ҳарфларда булишини таъминлайди.

Все строчные — белгиланган қисмининг кичик ҳарфларда булишини таъминлайди.




Фон — белгиланган матн ёки объект фонининг рангини белгилайди.

Объект — белгиланган объектни форматлайди.




5.1.2.6. Менюнинг “Сервис” бўлими




“Сервис” менюси буйруқлари

Правописание — белгиланган ёки жорий ҳужжат матнининг орфографик хатоларини текширади. Хатоларни ажратиб кўрсатади ва луғат буйича вариантлар таклиф қилади.




Язык: Выбрать язык — матн хатоларини текшириш учун турли тилдаги луғатлардан фойдаланиш имкониятини беради.




Тезаурус — суз маъносига синоним ёки антонимлар таклиф қилади.


Расстановка переносов — жорий ҳужжатда матнининг автоматик бўгин кўчирилиш режимини ўрнатади.




Автореферат — инглиз тилидаги ҳужжатларда аннотация ва шарҳлар учун махсус автореферат ташкил қилиш.



Автозамена — кўрсатилган белги, сўз ёки жумла ни кўрсатилган белги, сўз ёки жумлага матн киритилиш жараёнида автоматик алмаштириш.




Исправление — матни таҳрир қилиш жараёнидаги махсус ўзгартиришларни форматлайди.




Установить защиту — жорий ҳужжат учун махсус ҳимоя, паролли ҳимоя режимларини ўрнатади.

Макрос — Word буйруқлари учун махсус макрос белгилаш.


Настройка — асбоблар панели ва меню буйруқларини таҳрир қилади.



Параметры — Word параметрларини ўрнатади. Масалан, “Вид” бўлимида ҳужжатнинг ёки ҳужжат қисмларининг экрандаги кўриниши, экран параметрлари кўринишини таҳрирлайди ва ўрнатади.




5.1.2.7. Менюинг "Таблица" бўлими




"Таблица" менюси буйруклари

Нарисовать таблицу — жадвал чизиш учун асбоблар панелини урнатади ёки олиб қўяди.

Добавить таблицу — курсор турган жойдан кўрсатилган ўлчамда жадвал, жадвал учун сатр ёки устун ўрнатади.




Удалить ячейки — белгиланган катак(лар), сатр(лар), устун(лар)ни учириш.




Объединить ячейки — белгиланган катаклар, сатрлар ёки устунларни бирлаштириш.

Разбить ячейки — жорий катак ёки белгиланган катакларни курсатилган миқдорда устун ёки сатрларга бўлиш.

Выделить строку — жорий сатрни белгилаш.



- Выделить столбец** — жорий устунни белгилаш.
Выделить таблицу — жорий жадвални белгилаш.
Автоформат — жадвални курсатилган кўринишда автоматик форматлаш.




Выровнять высоту строк — белгиланган сатрлар баланглигини тенглаштириш.


Выровнять ширину столбцов — белгиланган устунлар кенглигини тенглаштириш.

Высота и ширина ячейки — белгиланган катаклар ёки жорий катак баланглиги ёки кенглигини белгилаш.


Заголовки — белгиланган жадвал сатрини махсус сатр кўринишида форматлаш.



Преобразовать таблицу (... в текст) — матн кўри-нишидан табуляция бўйича жадвал кўринишига (жадвал кўринишидан табуляция бўйича матн кўринишига) келтириш.




Сортировка — жадвал матнини алифбо тартибиди саралаш.




Формула — жадвалда формула қўллаш.

Разбить таблицу — жорий сатрдан бошлаб жадвални иккига бўлиш.



Отобразить сетку (Скрыть сетку) — жадвал чизиқларининг (тўр кўринишидаги) кўриниш ёки кўринмаслигини таъминлаш.

5.1.2.8. Менюнинг “Окно” бўлими



“Окно” менюси буйруқлари


Новое — жорий ҳужжат таркиби билан бошқа ойна ташкил қилиш. Бу ташкил қилинган ойна бир ҳужжатнинг турли қисмларини кўриш имкониятини беради.

Упорядочить все — экрандаги барча ҳужжат дарчалари алоҳида экранда кўриниб туришини таъминлайди.


Разделить — жорий ҳужжат дарчасини бир неча соҳаларга ажратади.

Бу уч буйруқдан кейин эса экрандаги юкланган барча файллар номлари келтирилган, керакли файл номи устида “сичқонча” тугмачасини босиш орқали уша файлга мос ҳужжатни жорий ҳолатга келтириш мумкин.

5.1.2.9. WORDда маълумот олиш (Справка)



Справка по Microsoft Word — Word дастури ҳақида маълумот олиш.




Вызов справки — маълумотлар базасига муружаат қилиш.

Что это такое? — “сичқонча“ белгисини ҳолатига келтириб, бу белги ёрдамида курсатилган буйруқ ёки тугмачанинг вазифаси ҳақида маълумот алоҳида дарчада ҳосил булади.



О программе — Microsoft дастурларининг версия номери, муаллифлик ҳуқуқи, лицензияси, фойдаланувчи номи, ташкилот номи ва компьютер операция он системаси ҳақида маълумот олиш.



5.1.3. ВОСИТАЛАР ПАНЕЛИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

5.1.3.1. "СТАНДАРТНАЯ" ВОСИТАЛАР ПАНЕЛИ




Янги ҳужжат ташкил қилиш.

Создать



Мавжуд файллар руйхатини очиш.

Открыть



Жорий файлни аввалги ном билан сақлаш.

Сохранить



Жорий ҳужжатни принтерга юклаш.

Печать



Жорий ҳужжатнинг чоп этилиш (саҳифаларда жойлашиш) ҳолатини кўриш.

Предварительный просмотр



Жорий ҳужжатнинг орфографик хатоларини текшириш.

Правописание



Вырезать



Копировать



Вставить

Вырезать — белгиланган қисмни буферга олиш.

Копировать — белгиланган қисм нусхасини буферга

олиш.

Вставить — буфердаги қисмни курсор турган жойга қўйиш.



Отменить



Повторить

Отменить — берилган буйруқни бекор қилиш.

Повторить — бекор қилинган буйруқни қайтаради.



Таблица и границы



Добавить таблицу

Таблица и границы — “Таблица и границы” воситалар панелини ҳосил қилиш (Жадвал чизиш, форматлаш, таҳрир қилиш учун қўлланадиган тугмачалар мажмуи).

Добавить таблицу — кўрсатилган жойга кўрсатилган ўлчамда жадвал ўрнатиш.



Колонки



Рисование



Непечатаемые символы

Колонки — жорий саҳифани устунларга ажратиш.

Рисование — график объектлар учун воситалар панели урнатиш ёки олиб қуйиш.

Непечатаемые символы — табуляция белгилари, абзац охири, яширин матнлар учун ёрдамчи (чоп этил-майдиган) белгиларнинг кўринишини таъминлаш.



Курсатилган буйруқ тўғрисида маълумот олиш.

Контекстная справка

5.1.3.3. "Форматирование" воситалар панели



По левому краю



По центру



По правому краю



По ширине

По левому краю — белгиланган ёки киритилаётган матнни чапга тақаш.

По центру — ўртага олиш.

По правому — унга тақаш.

По ширине краю — кенлиги бўйича тартиблаш.



Полужирный




Курсив




Подчеркнутый

Белгиланган матнни қалин, курсив ва тагига чизилган шрифт ҳолатига утказиш ёки бекор қилиш.




1



2



3



4


1-Нумерация — автоматик номерлаш.

2-Маркеры — абзац бошидан махсус белгилар қўйиш.

3-Уменьшить отступ — абзац чекинишини камай-тириш.

4-Увеличить отступ — абзац чекинишини орттириш.

5.1.3.4. "Рисование" воситалар панели



1 2 3 4 5 6 7 8 9

1-Разгруппировать — белгиланган объектларни битта объектга бирлаштиради. Бирлашган объектларни бир вақтда кўчириш, ўчириш, форматлаш мумкин.

2-Разгруппировать — гуруҳланган объектларни алоҳидалаш. Алоҳидаланган объектларни алоҳида алоҳида форматлаш мумкин.

3-Перегруппировать — алоҳидаланган объектларни қайта гуруҳлаш.

4-На передний план — белгиланган объектни олдинги планга олиб чиқиш.

5-На задний план — белгиланган объектни орқа планга ўтказиш.

6-Переместить вперед — белгиланган объект ёки объектлар гуруҳини битта олдинги планга ўтказиш.

7-Переместить назад — белгиланган объект ёки объектлар гуруҳини битта орқа планга ўтказиш.

8-Поместить перед текстом — белгиланган объектни матн устидан қўйиш.

9-Поместить за текстом — белгиланган объектни матн орқасидан қўйиш.



1 2 3 4 5 6

1-Свободное вращение — белгиланган объектни турли томонларга айлантириш. Айлантириш тугмачаси босилгандан кейин объект бурчагида “сичқонча” тугмачаси босилган ҳолда бажарилади.


2-Повернуть влево — белгиланган объектни 90° чапга буриш.

3-Повернуть вправо — белгиланган объектни 90° унг-га буриш.

4-Отразить слева направо — белгиланган объектни горизонтал бўйича 180° га буриш.

5-Отразить сверху вниз — белгиланган объектни вертикал бўйича 180°га буриш.

6-Начать изменение узлов — белгиланган объект шаклини ўзгартириш.



1 2 3 4 5 6

1-Стрелка — йўналишли чизиклар урнатиш.

2-Оваль — айлана ёки эллипс урнатиш.

3-Линия — тўғри чизик урнатиш.

4-Прямоугольник — тўғри тўртбурчак урнатиш.

5-Надпись — кадр урнатиш.

6-Добавить объект WordArt — WordArt объектини урнатиш.

5.1.4. ХУЖЖАТНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ УСУЛЛАРИ

Менюнинг «Вид» буйруғи ёрдамида матнни кўздан кечириш мумкин. Ёки қулайлик учун дарчанинг го-

ризонтал курсатиш йўлакчасининг чап қисмидаги тугмачалардан фойдаланиш мумкин:



1



2



3



4

1-Обычный режим — нормал усул, бунда маттни киритиш, таҳрир қилиш, форматлаш қулайроқ бўлади.

2-Режим электронного документа — ҳужжатнинг электрон кўринишини таъминлайди.

3-Режим разметки — саҳифалаш усули, бу усулда матн чоп этиладиган кўринишда берилади. Экранда матн, расм, жадвал ва ҳоказолар чоп этиладиган кўринишда жойлашади. Саҳифа параметрлари аниқроқ кўриниб туришини таъминлайди.


4- Режим структуры — ҳужжатнинг шаклини кўриш усули, бу режимда ҳужжатнинг шаклини кўздан кечириш, ташкил этиш, ўзгартириш мумкин. Бунда сарлавҳалар иерархиясини шакл деб тушунилади. Бу режимда экранга фақат сарлавҳаларни чиқариш мумкин. Сарлавҳа сатҳини ҳам ўзгартириш мумкин. Сарлавҳани бўгинлаб кўчирилганда, унга тегишли сарлавҳалар ҳам бўгинлаб кўчирилади.

5.1.5. МАСШТАБЛАШ

Масштабланиш ёрдамида матннинг экрандаги кўринишини кичрайтириш ва катталаштириш мумкин. Матнни масштабланишнинг 2 усули мавжуд:


1. "Вид" — "Масштаб" буйруғи ёрдамида.
2. Асбоблар панелидаги махсус "Масштаб" тугмачаси ёрдамида.

Биринчи усул кўрилганда экранда қуйидаги дарча ҳосил бўлади:



Дарчанинг чап томонида масштаблаш даражала-ри кўрсатилади. Бу усулда "по ширине страницы" банди жорий ҳужжатнинг кенглиги бўйича кўриниб туришини, "целая страница" банди эса бутун саҳ-фанинг кўришиб туришини таъминлайди, "несколь-ко страниц" банди бир қанча бетларни кўриш им-кониятини беради. Керакли масштаб "сичқонча" ёр-дамида танланади.

Иккинчи усулдан фойдаланиш учун асбоблар па-нелидаги мос "Масштаб" тугмачасида "сичқонча" туг-мачаси босилади. Натижада рўйхат ҳосил бўлади. Мас-штабни ўзгартириш учун рўйхатдаги керакли май-донда "сичқонча" тугмачасини босинг.



Матни киритиш. WORD таҳрирлагичи билан иш-лаганимизда асосий вақт матни киритишга кета-

ди. WORD таҳрирлагичининг имкониятларидан матн киритилгандан сўнггина фойдаланишингиз мумкин. Матнни киритиш ва таҳрирлаш тартибларини урганиш учун бирор матндан фойдаланамиз. Агар сиз WORD дастурига кирсангиз, экранда ҳужжатнинг дарчаси ҳосил бўлади. Матнни киритишда [Enter] ва [Tab] тугмачаларидан фойдаланинг. Бунда курсорни [Enter] тугмачасини кейинги сатрга, [Tab] эса 8 позиция унга утказди. Матнни киритишда кейинги сатрга ўтиш учун [Enter] тугмачасини ва устунлар орасидан [Tab] тугмачасини босинг.

Матн бўйлаб ҳаракат. Матннинг барча қисмларини экранда кўриш учун матн бўйлаб курсорни ҳаракатлантириш зарур. Курсорни “сичқонча” ёки клавиатура ёрдамида ҳаракатлантириш мумкин. “Сичқонча” ёрдамида ҳаракатлантириш учун ўтказиш йўлакчасидан фойдаланилади. “Сичқонча” ёрдамида курсатиш йўлакчасидан фойдаланиш тартиби юқорида қайд қилинган эди. Клавиатура ёрдамида курсорни ҳаракатлантириш учун клавиатуранинг ўнг қисмида жойлашган рақамли қисмдан фойдаланамиз. Рақамлар (Ctrl) тугмачаси билан биргаликда курсор ҳаракатланади.

Матнни кўрсатиш йўлакчаси. WORD дарчаси ўнг ва қуйи томонларида ўтказиш йўлакчалари мавжуд. Улар ёрдамида ҳужжат матннинг ихтиёрий қисмини кўриш мумкин. Кўрсатиш йўлакчаларини ўрнатиш ва ўчиришни “Сервис” менюсининг “Опции” бўйруғи бажаради.

Бунда “Просмотр” бандининг “Окно” қисмида “Горизонтальная полоса прокрутки”, “Вертикальная полоса прокрутки” майдонларида “сичқонча” тугмачаси босилади. Натижада йўлакчалар ўрнатилади.

INTERNET ГЛОБАЛ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИ

Интернет — жаҳон буйича ягона мажмуада му-
жассамлаштирилган компьютерларнинг яхлит
тармоғи бўлиб, улар ягона “тил” — андоза —
қоидалар асосида ахборот алмашади.

Ягона андоза сифатида ҳозирги кунда ТСП/IP
андозаси қўлланади.

Кўнгилли тарзда Интернет жамияти (ISOC, E-mail
манзили: membership@isoc.org), ташкиотлараро
мувофиқлаштириш вазифаларини бажаради.

Интернет жаҳон компьютер тармоқлари тармоғи
бўлгани учун унинг ягона ва бутунлай бошқарувчи
эгаси йўқ, лекин унга уланган ахборот тармоқ-
ларининг, шу жумладан Интранетларнинг эгалари
ва бошқарувчилари мавжуд.

Интернет алоҳида муассаса, компания ё бошқа
бир ташкилот қўламида амалга оширилган Web техно-
логияларига асосланган, ҳимояланган ички
компьютер тармоқларининг тармоғидир. Интранет
бирор шаҳар, давлат ҳудуди ёки жаҳон буйлаб
тарқалган бўлиши мумкин.

Интернет нафақат Интернет хизматларини, балки
унинг эгаси учун зарур бўлган ҳар қандай бошқа
ахборот хизматларини кўрсатиши мумкин. Шунинг
учун ҳам Интернет ўзининг қўшимча андозалари
(протоколлари)га эга бўлади.

Интернет кўп қатламли тузилмага эга бўлиб, унинг
энг қуйи қатлами тармоқ қатламидир. Бу қатлам
тармоқ жиҳозлари(кабел, модем, узиб-уловчилар,
маршрут берувчилар ва ш.у.)дан ва дастур
таъминотининг мантиқий компонентлари (маълум-
отларни узатиш протоколлари, хатоларни назорат
қилиш, маршрутлаш дастурлари)ни ўз ичига олади.
Тармоқ қатлами платформа қатлами (клиентлар ва

серверларнинг тармоқ аппарат — дастур таъминоти) билан биргаликда Интернетнинг инфратузилмасини ташкил этади. Уларга мос тарзда Интернетнинг барча вазибаларини бажариш учун зарур дастурий восита (Маълумот ва билимлар базалари, ахборот роботлари, излаш машиналари, автоматлаштириш тизимлари ва ҳ.к.)лар шаклан-тирилади.

Интернет атамасини 1994 йилдан бошлаб қўллана бошлади.

Интернетнинг асоси 70-йилларнинг охирида (1969) АҚШ мудофаа вазирлигининг лойиҳаси асосида юзага келган. Бу бошланғич тармоқ ARPAnet (Advanced Research Projects Agency) бўлиб, аввало Калифорния ва Юта штатларидаги 4 тагина компьютерни ўзаро боғлаган. Кейинчалик бу тармоқ кенгайиб 80-йиллар охирида АҚШ миллий илмий жамиятининг ихтиёрига топширилиб NSFnet шаклида ривож топган. Мазкур тармоқ ҳозирги Интернетнинг таянч тармоғи ҳисобланади. Интернет бу тармоққа бошқа тармоқларнинг уланиши орқали муттасил ривожланишда давом этмоқда. Интернетдан ташқари унга уланиб Интернет хизматларининг айримларини ҳамда бошқа ахборот хизматларини мустақил бажарадиган ўзга тармоқлар ҳам мавжуд (масалан, CompuServe, America Online, BBS.). Шунинг учун фойдаланувчи ахборот тармоғини танлаганда, бу тармоқ Интернет хизматларининг қайси турларидан фойдаланиш имкониятини яратишга қодир эканига алоҳида эътибор бериши лозим.

1994 йил ўрталаригача кенг фойдаланувчилар оммаси интернетга қизиқишмади, чунки унга уланиш ва унда ишлаш технологияси оддий фойдаланувчилар учун қулай эмас эди. Интернетдан ялпи фойдаланишда биринчи қадам WEB технологиясининг юзага келиши бўлди. WEB технологиясининг яратилиши шахсий компьютер (ПК)лар яратилишига ўхшаш инқилобли ҳодиса деб қаралмоқда.

Бу технологиянинг ажойиб томони шундан иборатки, ишни кичик сарф-харажатлардан бошлаш мумкин. Бунда варақловчи дастур (броузер, навигатор) ва WEB — сервер бўлса кифоя. WEB — серверни эса

ташкilotда бор бўлган компьютерда қилса булади ва ҳар бир янги ривожлантириш баробарида салмоқли натижаларга эришиш мумкин.

ШК яратилгунча ҳам ҳисоблаш ресурсларига бўлган ёндошув 1-10 млн. киши бўлган булса, ШК яратилгандан сўнг фойдаланувчилар сони 10-50 баробар ортган эди. Ҳозирги кунда жаҳон бўйича 100-200 млн. ШК ишлаб турибди, лекин 100 млн. Ер юзи аҳолисидан бор йўғи 2% ини ташкил этади.

WEB технологияси яратилиши билан аҳолини янгидан янги қатламлари компьютердан фойдалана бошлади. Булардан 2 алоҳида қатламни ажратиб кўрсатиш мумкин: жамият элитар гуруҳи — ташкilot раҳбарлари, банк президентлари, менежерлар, давлат маъсул хизматчилари. Аҳолининг кенг қатламлари — уй бекалари, пенсионерлар, болалар.

Интернет информатика бўйича мутахассис булмаганлар: шифокорлар, қурувчилар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, молиячилар, спортчилар, саёҳатчилар, дин ходимлари, артистлар, ёзувчилар ва рассомлар ҳисобига жуда тез ўсмоқда.

WEB технологияси компьютерга бўлган аввалги қарашларни батамом ўзгартириб юборди. Бунинг ҳаммаси одам ва компьютер интерфейсининг соддалашганидадир. Интернетнинг тузилмаси ва ташкил этувчилари Интернет "ЯДРО" сини NFSnet National (Science Foundation Net) таянч тармоғи ташкил этиб, АҚШ ҳудуди бўйлаб тарқалган 10 дан ортиқ тугунни кабел орқали ўзаро бирлаштирган. Унда ахборот оқимининг тезлиги секундига 45 мегабайт атрофида булади.



Бошқа компьютерлар шу тугунларга тўғридан тўғри уланган бўлиб, улар ҳам юқори тезликда

ахборот узатади. Улардан бошқа компьютерлар кейингиларга уланган ва ҳ.к., фойдаланувчининг компьютерлари (мижозлар) дарахтсимон тузилмадаги баргларга ўхшаб кўпайиб боради, шу тариқа жаҳон интернет ахборот тармоғи шаклланиб, у муттасил тараққий этмоқда. Таянч тармоққа бевосита ёки билвосита уланган бошқа тармоқлар, Интернетнинг асосий хизматларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда интернетнинг қисмларининг ташкил этувчиси ҳисобланади. Агар бирор мамлакатдаги компьютер таянч тармоққа боғлаган компьютерга уланса, бу мамлакат Интернетга уланганидир.

GLOSSARY- INTERNET ATAMALARI

BPS — бит/с.

Browser — средство просмотра — тармоқда ишлаш дастури.

BBS — электронная доска объявлений (Буллетин боард сйстем) — электрон эълонлар тахтаси.

Cern — *TSERN* — <http://www.cern.ch/>

Chat — разговор — суҳбат.

Communication Link — канал связи — алоқа канали.

Cyberspace — киберпространство — Кибернетика фазоси.

Database — база данных — маълумотлар заҳираси.

Download — загрузка — юклаш.

Drag and Drop — перетаскивание — кўчириш.

FAQ — **Frequently Asked Question** — кўп учрайдиган савол.

File Server — файловый сервер — файл сервери (хизматчиси).

Finger — протокол — излаш андозаси.

FTP (File Transfer Protocol) — протокол — файл узатиш андозаси (қоидалари).

Gateway — шлюз — андозалар ўзгартгичи.

Gopher — программа — қараш ва излаш андозаси (дастури).

Home — начало — бош саҳифа (муқаддима).

HTML (Hyper Text Markup Language) — язык — гиперматн ёзиш тили.

HTTP (hypertext transfer protocol) — протокол — гиперматн узатиш андозаси.

Hyperlink — ссылка — ишорат (гипербоғланиш боши).

Hypermedia — гиперсреда — гипермуҳит.

Hypertext — гипертекст — гиперматн.

IP (Internet Protocol) — протокол — интернет андозаси.

IP Address IP — адрес — манзил.

Link — ссылка — ишорат боғланиш боши.

List-Serv — программа — тарқатиш руйхати дастури.

Media — носитель — муҳит.

Modem (MOdulator-DEModulator) — Модулятор — демодулятор — модем.

Multimedia — мултимедиа — турфа муҳит.

Network — сет — тармоқ.

Page — страница — саҳифа.

PKZIP — программа — файлни ихчамлаштирувчи дастур.

Real Time — интерактивный режим работы — реал вақт мароми.

Robot — робот — ишчи дастур.

Security — защита — ҳимоя.

Server — сервер — хизмат тугуни.

Signal — сигнал — сигнал.

Site — узел — тугун манзили.

TCP/IP - протокол — ахборот узатишнинг бошқариш андозаси/Интернет андозаси.

Telnet — программа — тармоқ дастур.

UNZIP — программа — ихчам файлни очиш дастури.

URL (Униформ Ресурсе Лосатор) — форма адреса — ахборот манбаи манзили шакли.

Usenet (USEer NETwork) — группы новостей — янгиликлар гуруҳи.

VRML (Virtual Reality Modeling Language) — виртуал борлиқни моделлаш тили.

WAIS (Wide Area Information Server) — система поиска — ахборот излаш тизими.

WAV — расширение файлов — файл номи кенгайтмаси.

Webmaster/Webmistress — **Web-мастер** — Веб саҳифа яратувчи уста.

WINZIP — программа — файлни ихчамлаштирувчи ва ёювчи дастур.

WWW (World Wide Web) — всемирная паутина — жаҳон Web тури.

ZIP — расширение файлов — файл номи кенгайтмаси.

ГИПЕРМАТН, ГИПЕРМЕДИА. HTML ТИЛИ

Гиперматн — шундай матнки, унда ўз бўлақларига ва бошқа матнларга ишоратлар (ссылки) келтирилган. Гиперматн гоёси Web саҳифа ва гипермуҳит тарзида ўз ривожини топган бўлиб бунда матн ўрнида овоз, ҳаракатланувчи тасвир, овозли тасвирлар ҳам қатнашади. Гиперматнга ҳар қандай китоб мисол бўлади, чунки унда ҳам китобнинг мундарижаси, китоб боблари ва фаслларига ишоратлар берилади. Бу ерда боб номи қаршисидаги бетнинг тартиб сони ишорат (боғланиш боши) дир. Матн ичида ҳам бирор фикрдан фойдаланилган манба — адабиётнинг тартиб номери ёки номи ишорат вазифасини ўтайди. Бирор сўз ёки иборанинг изоҳи китобда юқори индекс тарзида кўрсатилиши ҳам ишоратнинг ўзидир.

Гиперматн ва гиперсаҳифа булар ҳаммаси матнда тегишли ибора остига чизиқ кўрсатиш ва унга ранг бериш билан ифодаланади. Шундай ишоратга манипуляторнинг кўрсаткичини олиб бориб чап тугмача босилса, шу ишоратга тегишли кўрсатилувчи матн ёки тасвир компьютер экранда намоён бўлади ҳамда тегишли товуш янграйди (агар ишорат товушга тегишли булса). Бундай кўрсатилувчи матн мазкур ёки бошқа ҳужжат (файл, Гипермуҳит-гипермедиа)да, ҳужжат эса интернет ёки интернетнинг бошқа бирор тугунидаги компьютер хотирасида бўлиши мумкин. Бунда ишорат билан кўрсатилувчи матннинг ягона шаклдаги ресурс жойи адреси (URL) гиперматнда берилган бўлади. HTML эса тармоқ орқали тегишли URL га мурожаат этиб кўрсатилувчи ҳужжатни компьютер экранига чиқариб беради.

Шунинг учун ҳам курсатилувчи ҳужжатлар бутун тармоқ бўйлаб тарқалган ва боғланиш бўлиши учун интернет таркибида бутун жаҳон ўргим-чак тури мисол World Wide Web мавжуд бўлади.

Web технологияси муаллифи Бернерс-Лидир, у Нелсоннинг гиперматн гоёсига асосланиб узининг HTTP сини ва гиперматн ҳужжатлари (кенгайтмаси htm) ёзиш тили HTML ини яратди. Бу тил ҳозир мукамаллашиб бормоқда. HTML алифбоси сифатида энг содда ҳолда лотин алифбоси ва компьютер клавиатурасида мавжуд махсус символлар қатнашади. Тилнинг синтаксис қоидалари жуда содда бўлиб, ҳужжатни бўлақларга бўлишни, шу бўлақларнинг боши ва охирига махсус тил ибораларини киритишни ҳамда ишорат (боғланиш боши) вазифасини утовчи матн иборалари ёки ҳужжатда келтирилган тармоқ тугуни манзили билан уларга тегишли, яъни боғланиш охири вазифасини утовчи бошланғич ёки бошқа ҳужжат, ёйинки унинг бўлаги (ёки тугун манзилидаги Web саҳифа) орасида гипербоғланишларни ифодалаш қоидаларини ўз ичига олади. Бундай ҳужжат Web — саҳифа деб аталади. Уларни ёзишни осонлаштирадиган дастурлар мавжуддир.

Интернетда ахборот излаш жараёни ахборот истеъмолчисининг Интернет тузилмаларидаги ахборот излаш тизимлари билан мулоқоти асосида юз беради. Истеъмолчи узининг ахборотга булган талабини **ахборот сўрови** тарзида беради. Бу сўровни бажариш учун броузер ахборот излаш тизими воситасида сўровга мос келган далиллар, ҳужжатлар ёки ҳужжатлар ҳақида маълумотлар топиб беради.

Излаш объектининг турига кўра уч хил ахборот излаш мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқланади: ҳужжат, далил ва библиография излаш. Ахборот электрон шаклда ё қоғозда акс этган бўлиши мумкин. Қуйида гап электрон шаклдаги ахборот излаш ҳақида боради.

Ҳужжат излашдан мақсад сўровга мос келувчи ҳужжатга ишоратларни топиб, сўнгра шу ҳужжатлар нусхаларини истеъмолчи компьютерига юклашдир.

Далил излашда бевосита суралган далилни топиб берилади.

Библиография излашда суровга мос келган ҳужжатларга ишоратлар ва уларни нашр этган манбаа манзиллари (сайтлари) топиб берилади.

Аслида, ахборот излаш нуқтаи назаридан Интернет катта электрон ахборот сақлаш ва излаш тизими деб қаралиши мумкин, чунки унинг ҳар бир тугунида электрон ҳужжатлар (Файллар), ҳужжатлар ҳақида маълумотлар ҳамда уларга ишоратлар, далиллар ва уларга ишоратлар тўпланган бўлиб, булар муттасил янгиланиб ва бойиб боради, уларнинг ҳар бирини компьютер хотирасига ёзиб олиш имконияти мавжуд.

Интернетда ахборот излашга ихтисослашган кўпдан-кўп ахборот излаш тугунлари мавжуд. Интернетда ҳужжат излаб топиб бериш вазифасини тўла матнли ҳужжатлар базаларига эга булган тугунлар амалга оширади. Тугунларнинг сони унчалик кўп эмас. Улар суровларга жавобан тегишли ҳужжатни ўз базаларидан топиб истеъмолчига етказиб беради. Масалан, 1980 йилдан бошлаб ишлай бошлаган NTXIS маълумотлар базасида журналлар ва газеталарнинг тўла матнлари бор.

Интернетдаги ахборот излаш тугунларининг кўпчи-лиги ўз маълумот базаларида ҳужжат матнларини эмас, балки ҳужжатлар ҳақида маълумотлар тўлаган. Улар суровларга жавобан электрон ҳужжат библиографиясини излаш вазифасини ҳал қилиб, ҳужжатга ишоратлар рўйхатини беради; танланган ҳужжат манзилига топилган ишорат бўйича мурожаат этиб, ҳужжатни топиб бериш вазифасини эса браузер ўз зиммасига олади. Интернетда далил излашга мўлжалланган тугунлар ҳали унчалик кўп тарқалмаган бўлса-да, далиллар тўпланган маълумот базаларининг мавжудлиги бу вазифани билвосита ҳал этишга кўмаклашади.

Қуйида электрон ахборот излаш воситалари ҳақида тўхталиб утамиз. Интернетда электрон ахборотга ишорат, яъни электрон библиография излаш билан шуғулланадиган тугунлар асосан икки гуруҳга бўлинади: каталог(электрон маълумотнома)лар

(directories) ва излаш тизим(машина)лари (search engines).

Каталоглар улкан электрон маълумотнома (справочник)ларга ўхшаш бўлиб, оммавий кутубхоналарнинг системалаштирилган каталог картотекаларини эслатади. Уларда интернет ахборот ресурслари билим ва умуман, инсон фаолияти ва ҳаёти соҳалари йўналишлари бўйича тизимга солинган бўлиб, йўналишлар бўлимларга, бўлимлар бўлимчаларга ва ҳ.к. бўлиниб, улардан тегишли ҳужжатларга ишоралар берилган.

Излаш машиналари анъанавий ахборот излаш тизимларига ва маълумотлар захираларига ўхшаш бўлиб, сўров тегишли сўров тилида тузилиб киритилганда, унга тегишли ҳужжатларга ишоралар ҳамда ҳужжатлар ҳақида қисқача маълумотлар рўйхати берилади.

Излаш тугунларини бундай иккига бўлиш шартли бўлиб, улар ҳозирги кунда бир-бирларининг ижобий томонларини ўзларида мужассамлаштириб, такомиллашиб бормоқда.

Каталогларга Yahoo, Lycos, InfoSeek ва Galaxy каби тизимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар ичида энг соддаси Yahoo бўлиб, у глобал тармоқларнинг ахборот қўлами билан таништириш учун қулай. Yahoo саҳифасида инсон фаолияти соҳаларининг энг умумий йўналишлари акс этган. Булар: санъат, таълим, бизнес, табиий фанлар, ижтимоий фанлар ва бошқалар. Ҳар бир йўналишни очиб (“сичқонча“ тугмачасини босиб) унинг муайян бўлинмаларигача, ташкилот ёки шахсгача етиб бориш мумкин. Масалан, “Кутубхоналар“ меню бандидан соҳалар бўйича кутубхоналарга, жойлашиши бўйича фарқланадиган кутубхоналарга ўтиш мумкин ва ҳ.к. Бундай ҳужжатларни соҳалар шажара(ийерархия)си бўйича мос тарзда жойлаштириш зарур ахборот сари қадамба қадам етиб бориш имконини беради. Yahoo да клавиатурадан излаш сатрига сўров киритиб бевосита ахборот топиш имкони ҳам мавжуд. Аммо бунда ўз Web-саҳифасига эга бўлган объект излансагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Lycos, InfoSeek va Galaxy каталоглари ҳам юқоридагига ўхшаш. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос тизимланган соҳалар ийерархиясидан фойдаланилган. Лекин кутубхоначи мутахассис нуқтаи назаридан қараганда бундай соҳалар таснифи такомилдан анча йироқ, чунки уларнинг кўплари билимлар таснифи билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан тузилмаган.

Lycos нинг ўзига хос томонларидан бири шуки, у Web-макониинг 90 % га яқини ҳақида маълумот тўплаган бўлиб, Web-саҳифанинг номи 20 бошланғич сатрларидаги атамалар асосида излашни амалга ошириб, файлнинг ўлчами, электрон манзили ва аниқ номи ҳақида маълумот чиқариб беради. Бу имкониятлар “Customize your search” тугмачаси босилгач юзага чиқади.

InfoSeekнинг ўзига хос томони шундаки, у кўп учрайдиган сўровлар, масалан, шахсларнинг электрон манзили, тижорат компаниялари, янгиликлар ва бошқалар ҳақидаги сўровларга жавоб топиб беради. Шунингдек, у асосий мавзу билан боғланган мавзуларга ҳам ишоралар беради. Сўровга жавобан биринчи 100 ҳужжатнинг рўйхатини беради. Тўлатўкис ахборот олиш учун пулли хизмат кўрсатади.

Излаш тизимлари каталогларга нисбатан анча кенгроқ тарқалган. Улар сўзлардан ва бу сўзларга ишоратлардан тузилган бой маълумотлар заҳираларига эга бўлиб, Интернет тугунларини махсус дастурлар — роботлар воситасида даврий сканерлаб туриш асосида ўз заҳираларини тўлдириб ва янгилаб турадилар. Муайян сўров тушганда сўзларга тегишли индекс файллари асосида жавоб тайёрлаб беради. У бу излаш тизимининг афзалликлари, тизим ҳужжатлари қанчалик чуқур (барча сўзларми, ё сарлавҳами, бошланғич саҳифаларданми) таҳлил этилиб индекс файлига киритилишига, сканерлаш даврига, сўзларнинг аҳамиятини ҳисоблашга, сўров тили имкониятларига боғлиқ. Булар орасида машҳур булганлари Alta Vista, HotBot, OpenText, Web Crawler, Excite, Magellan, MetaCrawlerлардир.

Улардан энг тан олингани Alta Vista Web — саҳифаси ёки телеконференция мақоласидаги ҳар

қандай сўз асосида излашни амалга оширади. Унда 300 млн. Web-саҳифа ва 14 минг телеконференция мақолалари ҳақида маълумотлар бор. Сўров тили сўз боғловчилари қаторида тиниш белгилари (қўштирноқ, вергул, нуқтали вергул, икки нуқта), математик ишора (+,-) ва мантиқий боғловчилар AND, OR, NOT, NEAR дан фойдаланади.

Қўштирноқ сўз бирикмасининг боши ва охирида қўланади. Сўз кесилган тарзда (юлдузча *) қўланади. "+" математик ишораси сўз ҳужжатда албатта қатнашишини, "—" ишораси унинг қатнашмаслигини шарт қилиб қўяди.

Бундай сўров ҳужжатларни анча аниқ топишга имкон беради. Масалан, сўров сатрига [virtualn* near "bibliot" and Rosi*] киритилса, тугалланиши ҳар хил бўлган сўзлар бирикмалари учраган ҳужжатларга ишоратлар сўровга жавоб бўлади.

HotBot 54 млн.дан ортиқ Web-ҳужжат ҳақида тула матни бўйича маълумотга эга. Унда кўп босқичли меню ёрдамида сўровни муайянлаштириб бориш имкони бор. Ҳужжатдан бир неча сўзлар бирикмалари бўйича, алоҳида шахс ва унинг электрон манзили бўйича излашни амалга ошириш мумкин. Сўровни муайян-лаштириш учун бирор тушунчага нисбатан SHOULD (таркибида бўлиши мумкинми) MUST (албатта бўлиши шарт), MUST NOT (бўлмаслиги шарт) боғловчилардан ҳам фойдаланилади. Шунингдек, HotBot излашни ҳужжатнинг яратилиш вақти ё янгиланиш куни, географик жойлашиши, файл тури ва шунга ўхшаш белгилар асосида чеклаш имконини беради.

Excite 50 млн. дан ортиқ Web-саҳифа тула матни бўйича маълумотга эга. Унга сўров оддий сўзлашув тилида (инглизча) бирор кишига сўроқ берган каби киритилади. Купинча у бир бўғинли сўровларга яхши жавоб беради.

OpenText тула матн сўзлари бўйича излаш тизими бўлиб, излашни Web-саҳифанинг асосий ва энг аҳамиятли булаклари (сарлавҳа, биринчи сарлавҳа, хулоса, электрон манзил) билан чеклаш имконини беради. Бу фақат бирор мавзу бўйича асосий ишлар

қизиқтирганда қўл келади. Суров тили аввалгиларга ухшаш хусусиятларга эга, шунга қўшимча суровни излаш жараёнида узгартириб бориш имкони бор.

Юқоридагилардан фарқли улароқ Magellan барча серверлар эмас, балки ахборотга тўйинганлик нуқтаи назаридан энг қимматли бўлган серверлардаги ҳужжатлар бўйича маълумотга эга. Буни махсус таҳририят ҳайати белгилайди. Унинг тили анча содда. Magellan нинг каталог қисми ҳам бор.

WebCrawler излаш тизимларининг ичида фахрийларидан бири бўлиб, унинг имкониятлари Magellanникига ухшаш, лекин у суровни бошқаларга жўнатиб, улар жавоби асосида умумлашган жавоб беради. Излаш тизимларининг стратегиялари ва хусусиятлари ҳар хил бўлгани туфайли улар битта суровга ҳар хил жавоб беради.

Рус тилида ахборот олувчилар учун Alta Vista, HotBot дан ташқари Россиянинг Паук (<http://spider.raser.ru>) ва Новый русский поиск (<http://www.openweb.ru/koi8/cgibin>) тизими Россия серверларидан ҳужжатлар излаш учун махсус яратилган.

Интернетда далил излаш (русча, фактографический поиск) ҳали яхши йўлга қўйилмаган бўлса-да, унинг серверлари кўплаб маълумотнома (справочник)лар ресурсларига эга World Wide Webда энг обрўли манбалар, шу жумладан пулли хизматли Британиса энциклопедиясидан тортиб, кўплаб бепул электрон нашрлар мавжуд.

Машҳур виртуал универсал энциклопедияларга Encarta (<http://encarta.msn.com/EncartaHome.asp>) киради. Пулли нашрда 32 минг банд (мақола) ва 6 мингдан ортиқ лўғатлар бўлса, бепул нашрда 16 минг банд ва 2200 фотосурат ва карталар мавжуд. “TSRUни йиллик далиллар китоби“ (<http://www.odci.gov/cia/publications/nsolo/wfb-all.htm>) жаҳоннинг барча мамлакатлари ва йирик халқаро ташкилотлари бўйича доимо янгиланиб турувчи (обзор) тарифлар келтирилган. Унда мамлакатнинг географик урни, сиёсий тузилиши, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий ва маданий тараққиёти ҳақида сўнги статистик маълумотлар келтирилиб туради.

E-MAIL. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА

Outlook Express — электрон почтада ишлаш учун оддий ва қулай дастур ҳисобланади. Хатни ёзиш (яратиш) учун “Создать сообщение” тугмачасини босиш кифоя. Шунингдек чиройли қилиб безатилган шаблонлардан фойдаланган ҳолда маълумот яратиш имкониятлари ҳам мавжуд. Бунинг учун “Создать сообщение” менюси тугмачасини босиш ва керакли бланкни танлаш зарур. Экранда ҳосил бўлган дарчада қуйидаги майдонни тўлдириш лозим.

1) Кому — маълумот олувчининг E-mail манзили кўрсатилади.

2) Копия — маълумот нусхасини олувчининг E-mail манзили кўрсатилади (агар маълумотни кўплаб олувчиларга жўнатиш зарурияти бўлса E-mail манзили вергул орқали кўрсатилади).

3) Тема — жўнатилаётган маълумот мавзуси кўрсатилаётган майдон.

Хатни бичимга келтириш ҳам ҳар қандай мавзунини таҳрир қилгандаги сингари амалга оширилади.

Ёзилган маълумотни жўнатиш учун асбоблар панелида “Отправить” тугмачасини босиш зарур.

Outlook Express — қуйидаги локал папкаларга эга.


1) Входящие — фойдаланувчи ўз E-mail манзили бўйича оладиган барча келувчи маълумотларни сақлаш учун мўлжалланган.

2) Исходящие — фойдаланувчи ёзган, лекин эгаларига жўнатмаган барча жўнатиладиган маълумотларни сақлаш учун мўлжалланган.


3) Отправленные — фойдаланувчининг ўз эгаларига жўнатган маълумотларни сақлайди.

4) Удаленные — фойдаланувчининг адашиб олиб ташланган маълумотларни тиклаши учун олиб ташлаган маълумотларини сақлайди.

5) Черновики — фойдаланувчининг ҳали тугалланмаган маълумотларини сақлаш учун мўлжалланган.



Келган хатларни куриш



Хат жунатиш

122586

МУНДАРИЖА

Суз боши.....	3
Информатика фанининг вужудга келиш тарихи ва ҳозирги кундаги ўрни.....	5
I Боб. Шахсий компьютер қурилмалари.....	10
1.1. Шахсий компьютернинг асосий қурилмалари.....	10
1.2. Шахсий компьютернинг қушимча қурилмалари.....	10
1.3. Шахсий компьютердан фойдаланиш қоидалари.....	11
1.4. Компьютерни ишга тайёрлаш тартиби.....	11
1.5. Процессор.....	12
1.5.1. Микропроцессор.....	13
1.5.2. Оператив хотира.....	14
1.5.3. Дискетлар.....	15
1.5.4. Қаттиқ диск.....	16
1.6. Мониторлар.....	16
1.7. Клавиатура.....	17
1.7.1. Катта ва кичик ҳарфларни киритиш тартиби.....	17
1.7.2. Компьютерда кирилл ва лотин алифбоси.....	18
1.7.3. Клавиатуранинг махсус тугмачалари.....	18
1.7.4. Тугмачаларнинг махсус мажмуилари.....	20
1.8. Принтерлар.....	20
1.9. Ёрдамчи қурилмалар.....	22
II БОБ. MS DOS операция системаси.....	24
2.1. MSDOSнинг таркиби.....	25
2.2. DOSни юклаш алгоритми.....	26
2.3. MS DOS операция системасининг асосий буйруқлари.....	27
2.3.1. Матнли файл ташкил этиш.....	27
2.3.2. Файлни учуриш.....	27
2.3.3. Файлни қайта номлаш.....	28
2.3.4. Файлнинг нусхасини қучуриб утиш.....	28
2.3.5. Дискда файлни тез топиш.....	29
2.3.6. Файл матнини экранга чиқариш.....	29
2.3.7. Жорий каталогни узгартириш.....	30
2.3.8. Каталогни қўздан кечириш.....	30
2.3.9. Каталог ташкил қилиш.....	32
2.3.10. Каталогни учуриш.....	33
2.4. Дискетлар билан ишлаш.....	33
III БОБ. Norton Commander дастури билан ишлаш.....	35
3.1. NC имкониятлари.....	35
3.2. NC дастурини ишга тушириш.....	36
3.3. NCдан чиқиш.....	36

3.4. DOS буйруқларини ишга тушириш.....	37
3.5. NC панеллари таркиби.....	37
3.6. NC панелларини бошқариш.....	37
3.7. Панелдаги каталоглар руйхати.....	38
3.8. Ажратилган файл ёки каталог.....	38
3.9. Функционал тугмачалардан фойдаланиш.....	39
3.10. Файллар гуруҳини танлаш.....	40
3.11. Файл матнини экранда куриш.....	41
3.12. Файлни таҳрир қилиш.....	41
3.13. Файл ва каталог нусхасини олиш.....	42
3.14. Файл ва каталогни қайта номлаш ва кучириш.....	43
3.15. Каталог ташкил этиш.....	44
3.16. Файл ва каталогни учуриш.....	44
3.17. Файлни тез топиш.....	45
3.18. Файл атрибутларини узгартириш.....	46
3.19. Панелда файлларни қисман куздан кечуриш.....	47
3.20. NC менюси.....	48
3.20.1. “Left“ ва “Right“ булимлари.....	49
3.20.2. Менюнинг “Files“ булими.....	50
3.20.3. Менюнинг “Commands“ булими.....	51
3.20.4. Менюнинг “Options“ булими.....	52
3.20.5. NC конфигурациясини урнатиш.....	53
3.21. Каталогдан каталогга утиш.....	55
3.22. Дисклар руйхати билан ишлаш.....	56
3.23. Таҳрирлагични курсатиш.....	56
3.24. Фойдаланувчи менюси.....	57
3.25. Файлни дискда қидириш.....	58
3.26. Учирилган файлни тиклаш.....	59
3.27. Компьютер ҳақида маълумот.....	61

IV БОБ. WINDOWS дастури..... 63

4.1. WINDOWS ҳақидаги бошланғич маълумотлар.....	63
4.2. WINDOWSнинг имкониятлари.....	64
4.3. Асосий дастурлар.....	64
4.4. WINDOWS га кириш.....	65
4.4.1. Дастурларни юклаш.....	66
4.4.2. Буйруқлар панели билан ишлаш.....	68
4.4.3. Шрифт тилини узгартириш.....	70
4.4.4. Товуш созлагич.....	70
4.4.5. Вақт курсатгичини узгартириш.....	70
4.5. WINDOWSдан чиқиш.....	71
4.6. WINDOWSнинг асосий элементлари.....	71
4.6.1. Дастур дарчаси.....	71
4.6.2. Дарча қисмлари.....	72
4.7. Мулоқот дарчалари билан ишлаш.....	74
4.8. Дарчалар билан ишлаш.....	74
4.9. Дарча улчамини узгартириш.....	75
4.10. Дарчани ёпиш.....	75
4.11. Меню билан ишлаш.....	75

4.12. Системали менюдан фойдаланиш.....	77
4.13. Системали менюнинг буйруқлари.....	77
4.14. Дастурлар билан ишлаш.....	78
4.15. Файллар билан ишлаш.....	78
4.15.1. Файллар бошқарувчисини ишга тушириш.....	79
4.15.2. Файллар бошқарувчисининг дарчаси.....	80
4.15.3. Файл белгилари.....	81
4.15.4. Файлларни ажратиш.....	81
4.15.5. Файллардан нусха кучирш.....	83
4.15.6. Файлларни кучириб утиш.....	84
4.15.7. Файлларни учуриш.....	84
4.15.8. Файлни қайта номлаш.....	85
4.15.9. Файл атрибутларини узгартириш.....	86
4.15.10. Windowsда каталоглар.....	86
4.15.11. Каталог ташкил этиш.....	87
4.15.12. Каталоглар билан ишлаш.....	88
4.15.13. Бошқа дискка утиш.....	88
4.15.14. Файлларни топиш.....	89
4.15.15. Дискетлар билан ишлаш.....	90
V БОБ. Матнларни таҳрир қилиш.....	93
5.1. Word таҳрирлагичи ёрдамида матнларни тайёрлаш.....	94
5.1.1. Microsoft Word дарчаси элементлари.....	94
5.1.2. Word менюси.....	95
5.1.2.1. Менюнинг “файл” бўлими.....	95
5.1.2.2. Менюнинг “правка” бўлими.....	96
5.1.2.3. Менюнинг “вид” бўлими.....	97
5.1.2.4. Менюнинг “вставка” бўлими.....	98
5.1.2.5. Менюнинг “формат” бўлими.....	103
5.1.2.6. Менюнинг “сервис” бўлими.....	108
5.1.2.7. Менюнинг “таблица” бўлими.....	112
5.1.2.8. Менюнинг “окно” бўлими.....	116
5.1.2.9. Word да маълумот олиш (справка).....	117
5.1.3. Воситалар панели ҳақида маълумот.....	118
5.1.3.1. “Стандартная” воситалар панели.....	118
5.1.3.2. “Форматирование” воситалар панели.....	120
5.1.3.3. “Рисования” воситалар панели.....	121
5.1.4. Ҳужжатни кўздан кечириш усуллари.....	122
5.1.5. Масштаблаш.....	123
INTERNET глобал компьютер тармоғи.....	126
GLOSSARY — INTERNET атамалари.....	129
Гиперматн, гипермедиа. HTML тили.....	131
E — MAIL. Электрон почта.....	138



3 330000 494873

122586

